O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 19 май, чоршанба • № 40 (11.123) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 май куни Америка Қўшма Штатлари Қуролли Кучлари марказий қўмондонлигининг бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ Қуролли Кучларининг марказий қўмондонлиги ўртасида алоқалар кенгайиб бораётганидан мамнуният билдирди. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик учун айнан шу қўмондонлик танлангани тўғри қарор бўлганини таъкидлади.

Америкалик меҳмон саммий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистонга сафари самарали кечаётганини, ташриф асносида кўрилаётган масалалар икки томон учун ҳам бирдек манфаатли эканини айтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ Қуролли Кучлари марказий қўмондонлиги ўртасида икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Мудофаа вазири Ҳ. Турсунов иштирок этди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Пресел ҳозир бўлди.

(ЎзА).


МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

♦ ТОШКЕНТ туманида фаолият кўрсатаётган янги қурилган «Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик машинасозлиги заводи» акциядорлик жамияти ўн турдан зиёд қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқаради. Боғ, токзор, томорқа ва полиз майдонларида ишлатиладиган қулай техника воситаларини етказиб берувчи бу корхона Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

СУРАТЛАРДА: юқори малакали мутахассислар — йиғувчи Азим Ҳамидов ва уста Ҳасан Эргашев иш устида; корхонанинг йиғув цехида.

Равшан НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.





ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

БОШ СОВРИН НАВОИЙГА КЕТДИ

РЕСПУБЛИКА халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилоят давлат педагогика институти ҳамкорлигида ўтказилган «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида» мавзуидаги республика кўрик-танлови талаба ёшларнинг жамиятдаги ўрни, Ватанга меҳр-муҳаббати, фуқаролик бурчи, Ўзбекистон аёлига хос фазилатини намойиш этувчи муҳим тадбир бўлди.

Ангрен шаҳрида икки кун давомида икки босқичда бўлиб ўтган мазкур танловда республика педагогика институтларида таълим олаётган 15 нафар талаба қиз ўз билим ва омадларини синаб кўрдилар. Аёл — Оила — Жамият мавзусида иншо ёзиш, компьютерда ишлаш, лотин алифбосини ўзлаштириш, бичиш-тикиш бўйича беллашган қизларнинг ҳар бири ўзига хос маҳоратга эга эканлигини амалда кўрсата олди. Бироқ ҳаммадан кўп балл тўплаган Навоий вилояти Педагогика институти талабаси Элмира Галиева танловнинг 1-ўрин соҳибаси бўлишга муваффақ бўлди. Тошкент вилоят Педагогика институти талабаси Нилуфар Анорқулова — иккинчи, Қорақалпоғистондан келган талаба Омонгул Эшмуродова учинчи ўринни қўлга киритдилар. Уларга танлов ғолиблари учун таъсис этилган совғалар топширилди.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

ҒАЗАЛКЕНТДА МИЛЛИЙ БАНК БЎЛИМИ

КЕЙИНГИ йиллар мобайнида Бўстонлиқ туманида ободонлаштириш, мавжуд маъмурий бинолarни қайта таъмирлаш билан бирга, янги қурилишларни амалга ошириш борасида ҳам жадаллик сезилмоқда.

Хусусан, шу йилнинг тўрт ойи мобайнида анчагина масофадаги ички йўлларга асфальт ётқизилди, бир неча хусусий озиқ-овқат дўконлари, ошхоналар қад кўтарди.

Яқинда туман марказида Республика миллий банкининг бўлими биноси фойдаланишга топширилди. Унинг очилишида иштирок этган республика Молия вазири Рустам Азимов, Ўзбекистон миллий банки бошқарувининг раиси Зайниддин Мирхўжаевлар қурувчиларга ва тантанада иштирок этган қатор фахрийларга совғалар топширдилар.

Саид ВАЛИЕВ.

«ПАЙ-ХОЛДИНГ» БИЛАН БИРГА

ҚИБРАЙ туманида янги қўшма корхона маҳсулот бера бошлади.

Американинг «Пай-холдинг» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу корхонада бир кеча-кундузда 20 тонна қуруқ мева, шунингдек, ўсимлик ёғи қадоқлаб жўнатилади. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, маҳсулот тури янада ортади. Янги корхона фойдаланишга топширилганлиги туфайли етмиш киши доимий иш билан таъминланди.

ЎзА мухбири.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

БЕКОБОД шаҳридаги Металлурглар маданият саройида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раиси, шоира Шарифа Салимова олиб борди. Мароқли ўтган кечада Ўзбекистон Давлат Телерадиокомпаниясининг дуторчи қизлар дастаси хонанда ва созандалари иҷросида шоир шеърлари асосида тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Шундан кейин шоир Муҳаммад Юсуф янги ёзган шеърларидан намуналар ўқиб берди ҳамда шеърият шинавандаларининг саволларига жавоб қайтарди.

Кеча охирида Ўзбметкомбинат акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг муовини Баёз Миркомилов учрашув меҳмонларига миннатдорчилик билдириб, эсдалик совғаларини топширди.

Абдумурод БОЙМУРОДОВ.

ФИДОЙИЛАРДАН БИРИ ЭДИ

«СУЛТОНОБОД» жамоа хўжалиги аҳли ҳамқишлоқлари — таниқли давлат арбоби Султон Сегизбоев таваллудининг 100 йиллигини нишонладилар.

Туман ҳокими Абдуғани Деҳқонбоев уларга С. Сегизбоевнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Сўзга чиққанлар ҳамқишлоқлари хотирасини илиқ сўзлар билан ёдга олдилар.

Пардабой ЭРГАШЕВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармойишига мувофиқ мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исми-шарифини аниқлаш, таржимаи ҳоли, фаолиятини ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилган эди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида ана шу комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев олиб борди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ушбу фармойиши мамлакатимиз, унинг халқи ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий аҳамиятга молик ҳужжат эканлигини таъкидладилар. Уни ҳаётга изчил татбиқ этиш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда Ватан озодлиги ва истиқлоли учун курашларда ўз жонини фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинлик сари чорлаган, шўролар тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш масалаларини ҳал этишга юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда адолатли ёндошиш, кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш, бу борадаги ишларни амалга оширишда нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлардаги архив материалларидан кенг фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА).

ЭНДИ КЕЧИКИШ ҚИММАТГА ТУШАДИ

культивация ва ягана вақтида ўтказилса, ғўза дуркун ривожланиб, ҳосили баракали бўлади

МАЪЛУМКИ, бемаврид юз берган табиий офат туфайли қарийб эллик фоиз майдонга қайта чигит экишга тўғри келганди. Ҳар дақиқа ғанимат бўлган ана шу кезларда вилоят ҳокимлиги бир қатор туманларда шошилинч семинарлар ўтказиб, табиий офат оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўрди. Бундай махсус семинарлар туман ҳокимликлари томонидан айрим хўжаликларда ҳам ташкил этилиб, асосий эътиборни нималарга қаратиш зарурлиги белгилаб олинди.

Аввало, фақат уруғлик учун ажратилган биринчи ва иккинчи репродукцияли чигит экиш қатъий қилиб қўйилди. Сўнгра бузиб экилган майдонларда намлик миқдори аниқланиб, лозим топилган карталарда зудлик билан чигит суви беришга киришилди. Вилоят бўйича қарийб 56 минг гектар майдондаги ғўза ниҳоллари чигит суви билан ундириб олинди. Бу тадбир Бекобод, Янгийўл, Чиноз туманларида айниқса, яхши ташкил этилди.

Вақтида кўрилган ана шу чора-тадбирлар туфайли бугунги кунга келиб, қайта экилган майдонлардаги чигит тўла ва текис ундириб олинди. Иккинчи навбатда семинарлар чоғида қатъий белгилаб олинганидек, биринчи культивация ва яганани қисқа муддатда сифатли ўтказишга бутун куч ва имкониятлар сафарбар этилди. Бу икки агротехник тадбирнинг эртаки ва мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини пахтакорлар яхши билишади. Зеро, қатор оралари яхшилаб юмшатилганда ниҳоллар бир яйраса, вақтида ягана қилинганда яна бир яшнайди. Негаки, у қуёш, ҳаво, намлик ва ўғитдан тўла баҳраманд бўлади.

Шуни ҳисобга олиб, вилоят бўйича мавжуд 1450та культиватордан юксак унум билан фойдаланилди. Қисқа муддатларда саксон фоиздан зиёд

Бугуннинг гапи

майдондаги ниҳолларга биринчи ишлов бериб бўлинди. Ҳозирги кунда ҳам мингдан зиёд культиваторлар ишлаб турибди. Улар ёрдамида кунига 2000 гектар майдондаги ғўза қатор оралари юмшатилмоқда. Бу муҳим тадбирни шу ҳафтадан кечиктирмай ниҳоясига етказиш учун ҳамма имкониятлар бор.

Семинарларда кўрсатиб ўтилган йўл-йўриқларга қатъий амал қилган Бекобод, Бўка, Ўртачирчиқ, Чиноз, Янгийўл туманлари пахтакорлари биринчи ишловни тугатиб, эндиликда яганага зўр бермоқдалар.

Дарвоқе, деярли барча хўжаликларда биринчи ишлов билан бир вақтда ғўзанинг дастлабки озуқасини бериш чоралари ҳам кўрилмоқда. Бироқ айрим хўжаликларда бу муҳим тадбирга яхши эътибор берилмай, турли баҳона ва сабаблар билан кечиктирилмоқда. Тўғри, баъзи минтақаларда ёғингарчилик кучли бўлди, тупроқнинг етилиши чўзилмоқда. Аммо бу баҳона бўлмаслиги керак. Айни кунларда вилоят бўйича кунига 1700-1800 гектар майдондаги ғўзалар биринчи ишлов билан бир вақтда озиқлантирилмоқда. Бу ишни ҳамма ерда шу ҳафтадан кечиктирмай тугаллаш зарур.

Юқорида таъкидлангани-дек, бу йилги шароитда яганани тез ва соз ўтказиш пахтакорларнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Айниқса, қайта экилган ва ниҳоллар текис униб чиққан майдонларда бу агротехника тадбирини зудлик билан ўтказиш лозим. Ана шунда қайта экиш сабабли йўқотилган вақтнинг ўрни қопланади, ҳосил эрта пишиб етилади.

Вилоятда асосан қатор ораси 90 сантиметр қилиб чигит экилган. Шу боис ҳозир ҳар уяда 90-100 минг туп ниҳол қолдириб, ягана қилинмоқда. Бугунги кунгача қарийб 60 минг гектар майдон қўлдан чиқарилди. Кунига 6-7 минг гектарда ягана ўтказилаётгани ҳисобга олинса, бу тадбир ҳам кечи билан яна бир ҳафта ичида охирига етказилади. Ўртачирчиқ, Янгийўл, Бекобод, Юқоричирчиқ туманлари пахтакорлари эса яганани, айниқса, тез ва соз ўтказмоқдалар.

Самад ЙЎЛДОШ.

«НЕФТ ВА ГАЗ-99»

18 май куни Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да шу номда кўргазма очилди.

У «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Буюк Британиянинг «Ай-ти-и» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Ундан кўзланган мақсад мамлакатимиз нефт-газ саноати соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий сармоя жалб қилишдан иборат.

«Ўзэкспомарказ»да бошланаётган тадбир — «Нефт ва Газ-99» эса юртимизда бу соҳа бўйича ташкил этилаётган кўргазмаларнинг учинчисидир. Ташкилотчилар 20 майга қадар давом этадиган мазкур тадбирда кўплаб фойдали учрашувлар бўлиб ўтишига, Ўзбекистон нефт-газ саноати вакилларининг хорижлик сармоядорлар билан янги келишувларга эришишига умид билдирмоқда.

(ЎзА).

ТАБИАТГА ШАФҚАТ ҚИЛИНГ!

Йўқса бундай муносабат натижасида «Қизил китоб»га киритилган ўсимликлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин

Оҳангарон ўзига хос сўлим табиати, таровати ўзгача. Айниқса кир-адирлар, қояларда очилган алвон лолалар кишини ўзига мафтун этади. Афсуски, кейинги вақтларда гўзал табиатимизга, унинг хайвонот ва наботот оламига билиб-билмай жиддий таҳдид солинмоқда.

Агар «Тошкент-Ўш» катта автомагистрали орқали туманнинг Наманган билан чегарадош ҳудудларига йўлингиз тушган бўлса бунинг яққол гувоҳи бўласиз. Кўпчилик маҳаллий аҳоли пешвоз чиқиб сизга кучоқ-кучоқ тоғ лолаларини таклиф этади. Аввалига бу ҳолдан севинасиз, табиат инъомидан баҳраманд бўлишга интиласиз. Аммо...

Оҳангарон ўрмонларида бугунги кунда кўпгина ўсимликлар қатори тоғ лоласи ҳам жуда кам қолгани, у «Қизил китоб»га киритилганидан ҳамма ҳам огоҳ эмасга ўхшайди. Жумладан, «Қурама» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Чинор қишлоғидан то 33-километргача бўлган овулларда яшовчилар бундан бехабар кўринади. Бўлмаса, айни баҳор чоғида тоғ лолаларини юқоридан териб тушиб пуллаш, шу орқали тирикчилик қилишни одат қилармиди?

Оҳангарон ўрмон хўжалигининг барча участкаларида бугунги кунда махсус постлар ташкил этилгани яхши. Улар бу ноёб тоғ ўсимликларини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга.

— Биз одамларнинг тоққа чиқиши, табиат инъомларидан эмин-эркин баҳраманд бўлишига қарши эмасмиз, — дейди ўрмонни муҳофаза қилиш ва кўриқлаш муҳандиси Тўхлибой Ўғлонов. — Зеро, бунга ҳар бир фуқаронинг ҳаққи бор. Яқинда қабул қилинган «Ўрмон тўғрисида»ги қонунда ҳам фуқаролар тоғларда, ўрмонларда бўлиши, ёввойи мева ва резавор ўсимликларни териб ейиши мумкинлиги кафолатланган. Фақат, эҳтиёжига яраша. Хусусан, тоққа чиққан ҳар бир кишига уч донагача лола узишга рухсат этилади. Истаганча териб олиш ва сотиш, даромад топиш бутунлай таъқиқланади.

Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари билан бирга қатор мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, тоққа, ўрмонга борган киши дов-дарахтларни, ҳайвонот дунёсини сақлаши, муҳофаза қилиши, ёнғинга қарши чораларни кўриши керак. У ҳатто қуш уяси, чумоли инини ҳам бузмаслиги лозим. Табиат мувозанатини бузиш, унга бўлар-бўлмас аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Миллионлаб йиллар давомида шаклланган она табиатни асраб-авайлаш ва келажак авлодга қандай бўлса шундайлигича зиён-заҳматсиз етказиш инсоний бурчимиздир.

Бу ўринда яна бир муаммо хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, кейинги вақтларда маҳаллий аҳоли йўл бўйлари, кир-адирларни ўзбошимчалик билан «ўзиники» қилиб олаётир. Истаган одам истаган ерни истаганича қўрғонлаб олмоқда. Бу ҳам қонунни билмасликдан бошқа нарса эмас.

Албатта, кир-адирлардаги бўш ётган ерларда дов-дарахт кўкартириш, обод қилиш хайрли. Бироқ тоғ ёнбағирлари шунчаки эгасиз эмас, бу — давлат, халқ мулки. Улардан шахсий хўжалик юритишда фойдаланиш учун мавжуд қонун-қоидаларга риоя этиш лозим. Жумладан, Бешкўл қишлоғи аҳолиси билан тушунтириш ишлари олиб бориш натижасида улар томонидан қўрғонлаб олинган ерлар айни пайтда қонуний расмийлаштирилмоқда. Тегишли рухсатнома олган, тоғларда боғ яратишга жиддий аҳд қилган фуқароларга ўрмон хўжалиги барча ёрдамини кўрсатиши, керакли миқдорда дарахт ниҳоллари етказиб бериши ҳам мумкин экан.

Бугунги кунда тоғ яйловларига бўлган муносабатни ҳам тубдан ўзгартириш керак. Тўғри, яйловлардан фойдаланиш борасида бирмунча хайрли ишлар амалга оширилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, чўпонлар чорвани боқиш учун тегишли рухсатнома олишга ҳаракат қилаётгани қувончли. Аммо, ҳамма ҳам шундай қилаётгани йўқ. Қонунни менсимаётганларнинг танобини тортиб қўйиш вақти эса аллақачон етди. Бироқ, ўрмончиларнинг ёлғиз ўзи бу ишни тўла уддалашга ожизлик қилаётгани сезилиб қолмоқда. Бу борада ҳам табиатни муҳофаза қилиш органлари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар, маҳалла оқсоқоллари, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг кучини бирлаштириш лозим.

Д. НЕЪМАТОВ, ЎзА мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ КИМЛАРГА БЕРИЛМОҚДА?

МАМЛАКАТИМИЗДА кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати бозор иқтисодига ўтишнинг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Ушбу тамойил изчил ва самарали амалга оширилаётганлиги туфайли аҳоли турмуши даражаси, халқ фаровонлиги юксалиб бормоқда.

Тошкент вилоятида ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган талай тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор ижтимоий ҳимоянинг муҳтож оилаларга қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган давлат ёрдами маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётгани ҳам айни муддао бўлди.

Вилоятда бугунги кунда қарийб саккиз юзта ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси ўз ҳудудидаги кўп болали оилаларга давлат нафақаси, 441таси эса моддий ёрдам тайинлаш ҳуқуқига эга. Ўтган йили кўп болали оилаларга 1302,2 миллион сўм нафақа тўланди, кам таъминланган фуқаролар эса 285,8 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам олди. Жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари моддий ёрдам сўраб берилган ариза-

Фармон ва ижро

ларнинг 14 минг 767тасини, болалар нафақаси бўйича тушган аризаларнинг 49812тасини қондирди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай ижтимоий ҳимоя ҳаражатлари молия идоралари томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобига ўз вақтида ўтказиб берилаётир.

Давлат томонидан кўрсатилаётган муддатли моддий ёрдам ва кўп болали оилаларга бериладиган нафақаларни кимлар олиши мумкин? Албатта, буни ҳозирги кунда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг фаоллари мустақил ҳал этмоқда. Зеро, улар ўз ҳудудларидаги оилаларнинг моддий аҳволини яхши биладилар.

Шу билан биргаликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Катта молиявий имкониятлар борлигига қарамай эҳтиёжманд оилаларнинг барчаси ҳам давлат ғамхўрлигидан тўла баҳраманд бўлолмаяпти. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари банкдаги ҳисоб рақамларида ижтимоий ҳимоя маблағлари қолдиқлари узоқ вақт ҳаракатсиз қолиб кетаётгани, шу баҳона уларга навбатдаги маблағларнинг тўла келиб тушмаётгани бунга мисол бўла олади. Вилоятда болали оилаларга нафақа тўлаш бир ойлик лимити 187,2 миллион сўм этиб белгиланган ҳолда шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисоб рақамларига унинг бор-йўғи 74 фоизигина ўтказиб берилган, холос. Оҳангарон шаҳрида ва Қибрай туманида бу рақам 39 фоизни, Юқоричирчиқ туманида 51 фоизни ташкил этади. Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларида икки ой давомида умуман маблағ ўтказилмаган. Боз устига молиялаштирилган маблағ билан тўлов варақаси бўйича тайинланган маблағлар ўртасидаги фарқ катта. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий молия бўлимларига тўлов варақалари ўз вақтида тақдим этилмаётгани ҳамда халқ банки шаҳобчалари нақд пул билан етарли таъминланмаётгани бунга асосий сабаб бўлаётир.

Кам таъминланган оилаларга давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдамни амалга ошириш ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашда маҳаллий ҳокимликлар қошидаги махсус ишчи гуруҳларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, бу гуруҳлар амалга ошираётган ишларни бугунги кун талаблари даражасида деб бўлмайди. Хусусан, гуруҳ аъзолари, вакиллик меъёрлари 1996-97 йилда чиқарилган қарорлар билан белгиланган бўлиб, ҳануз гача қайтадан кўриб чиқилмаган. Шу йилнинг 1 январидан Президент Фармонига биноан иш ҳақи, пенсия ва нафақалар оширилганига қарамай ижтимоий ёрдам миқдорлари баъзи ҳолларда эскича белгиланишига йўл қўйилаётир. Хусусан, Янгийўл тумани «Эски қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғини шу йилнинг январь ойи учун болалар нафақасини янги миқдорда тақдим этганига қарамай туман молия бўлими эскича миқдорда пул ўтказиб бергани бунга мисол бўла олади.

Давр аҳолини давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги механизмини шароитдан келиб чиққан ҳолда жиддий такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Зеро, бу борадаги тажрибаларни оммалаштириш, ўзини оқламаган усул ва услублардан бутунлай воз кечиш лозим. Афсуски, вилоятда ана шундан келиб чиққан ҳолда меъёрий ҳужжатлар қайта кўрилаётгани, пухта ишлаб чиқилаётгани йўқ. Натижада маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари кўп ҳолларда талай муаммоларга дуч келаётир, чалкашликларга ҳам йўл қўймоқда. Масалан, Қибрай туманидаги «Оққовоқ», «Салор», «Ўнқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинида нафақа сўраб мурожаат қилган оилаларнинг моддий ва мулкий аҳволи деярли ўрганилмасдан туриб, уларнинг аризалари қондириб юборилган. Аризаларни қайд қилиш дафтарида фуқароларнинг исми-шарифи, тайинланган нафақа миқдори, санаси кўрсатилмаган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий ёрдамни тайинлашда фақат келиб тушаётган аризалар билан кифояланиб қолмаслиги керак. Айрим жойларда фуқароларга тўла асосланмаган ҳолда сурункасига моддий ёрдам тайинлаш одат тусига кирган. Бу эса аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин.


— Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш, ҳатто талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани эса ғоятда ачинарлидир, — дейди Тошкент вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи Б. Ҳасанов. — Чирчиқ шаҳридаги 15-маҳалла қўмитаси котибаси И. Ўразаева шаҳар молия бўлими ходимлари Д. Нурова ҳамда М. Абдуллаева билан биргаликдаги қилмишлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу кимсалар 1998 йилнинг биринчи чорагида маҳаллада умуман яшамайдиган бир қанча фуқароларга қалбаки ҳужжат тузиб давлатнинг 81 минг сўмини ўзлаштириб юборганлар. Шунингдек, шаҳардаги 31-сонли маҳалла қўмитаси раисаси Ф. Залюдинова 1998 йилнинг 1-3 чораклари учун етти нафар кишига моддий ёрдам тарзида қалбаки тўлов ведомостини расмийлаштириб, 78 минг сўм миқдоридаги маблағни талон-тарож қилган. Бундай ҳолатларни Бўка, Қибрай, Оққўрғон туманларида ҳам кузатиш мумкин.


Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда пенсияларни вақтида тўлашни таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Вилоятда ҳар йили 20 мингдан ортиқ фуқаро, шу жумладан, 3,1 минг нафар кишига имтиёзли шартларда пенсия тайинланмоқда. Бироқ уларни ўз вақтида ва тўла тўлаш борасида талай камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётир. Бу ҳолни айниқса Тошкент тумани мисолида кузатиш мумкин. Туман ижтимоий таъминот бўлими ва почта алоқаси идораси раҳбарлари томонидан тегишли назорат ўрнатилмагани натижасида пенсияларни атайлаб кечиктириб тарқатиш, пенсия ҳисобидан эски газета, гугурт бериш каби салбий ҳолатлар барҳам топаётгани йўқ.

Фуқароларга пенсия тайинлашда қонунбузарликларга йўл қўйилаётгани эса кечириб бўлмас ҳолдир. Афсуски, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Чирчиқ шаҳар ижтимоий таъминот бўлими катта инспектори Ж. Киргетова шаҳар алоқа бўлими почтальони Е. Чебакова билан ўзаро тил бириктириб, қалбаки ҳужжатлар ёрдамида шу йилнинг январь ойида давлатнинг 221 минг сўмини ўзлаштириб юборганлар. Улар энди қилмишларига яраша жазо оладилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аҳолини ижтимоий ҳимоялашдек савобли ишга панжа орасидан қараш кайфиятига барҳам бериш, бу борада давлат томонидан ажратилаётган маблағларни ўз ўрнида ва самарали ишлатиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятини тубдан ошириш лозим.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.





● ***ТУМАНЛАР марказларида қад кўтараётган янги иншоотларни, обидаларни кўриб тўлқинланиб кетасан, киши. Улар меъморчилик талабларига мослиги, атрофдаги бошқа қурилишларга уйғунлиги билан эътиборни ўзига тортади. Бўка туманидаги «Мирзоҳид» фирмасининг «Содиқ ота» савдо уйи ана шундай масканлардан бири. Ҳабибулло Мирҳолиқов раҳбарлик қилаётган мазкур фирма турли мебеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. У ерда 16 нафар киши меҳнат қилади.***

Савдо уйида бўлган харидорлар бежирим мебеллар билан бирга бу ердан озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш ашёларини харид қилиш имкониятига ҳам эгалар. Бинонинг пастдаги қаватида тўйлар, турли тантаналар ўтказиш учун шарт-шароитлар яратилган. Ошхонада эса ошпазлар лаззатли таомлар тайёрлайдилар.

Суратларда: (чапдан ўнгга) «Содиқ ота» савдо уйининг ташқи кўриниши; савдо қилиш бўлмаларидан бирида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

КОРХОНАДА ЯНГИ ТАРМОҚЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, замонавий технология жараёнларини жорий қилишга катта эътибор бермоқда. Айни вақтда корхонада янги тармоқлар барпо этилмоқда.

Бунда халқ хўжалигининг, бозорнинг эҳтиёж ва талаблари ҳисобга олинмоқда. Улар учун зарур бўлган маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйиляпти. Илгари собиқ иттифоқдош республикалардан келтирилган айрим металл буюмларини ўзлаштиришга ҳаракат қилиняпти.

Шу мақсадда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг самараларини бермоқда. Металл буюмларининг қатор турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех барпо этилди. Мавжуд майдонларда ташкил этилган бу бўлинмага янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Бу ерда қурилишлар ва истеъмол бозори учун жуда зарур бўлган ҳар хил ўлчамдаги михлар чиқарила бошланди. Бундан ташқари, бурама михлар, муруватлар ҳам тайёрланяпти. Ҳозирги вақтда уларнинг ўнларча тури қурилиш ташкилотларига етказиб бериляпти.

Маълумки, кон-металлургия саноати, тош майдалаш корхоналарида пўлатдан ясалган соққалардан кенг фойдаланилади. Кейинги йилларда уларни четдан олиб келиш катта муаммога айланди. Бунинг устига жуда қимматга туша бошлади. Унинг етишмаслиги қатор корхоналарнинг бир маромда ишлашига тўсиқ бўла бошлади.

Комбинат жамоаси бу муаммони ҳам ҳал қилмоқда. Республикамизнинг етакчи корхоналари ҳисобланган Навоий, Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари жамоалари бундан мамнун бўлмоқдалар. Чунки, уларда пўлат золдирлари жуда кўп ишлатилади. Ҳозирги вақтда бу буюртмачиларга 60, 90, 100 миллиметр ўлчамдаги соққалар етарлича етказиб бериляпти.

Ислоҳот одимлари

Янгиликка интилаёган металлурглар янада каттароқ золдирлар тайёрловчи қўшимча линияни ҳам барпо этишни бошлаб юбордилар. Россиядаги «Электростальтяжмаш» заводи билан шартнома тузилиб, 120 миллиметрли соққалар ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналар келтирилди. Бу линия ёрдами билан ҳар йили 20 минг тонна маҳсулот тайёрланади. Уни жорий йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шу кунларда қурилиш, келтирилган асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Металлурглар яна қатор бошқа тармоқларни барпо этишяпти. Уларнинг муҳими аргон гази ишлаб чиқаришга қаратилган. Бу республикамиз халқ хўжалиги учун жуда зарур маҳсулотдир. Шундай газни ҳосил қилишга мослашган АКАР-6 блоки ускунаси ўрнатилмоқда. Унинг ёрдами билан ҳар соатда 85 куб метр шундай газ ишлаб чиқариш мумкин. У ишга тушгач, фақат комбинат эҳтиёжи учун хизмат қилиб қолмай, шу билан бирга газ республикамиздаги истеъмолчиларга ҳам кўплаб етказиб берилади. Натижада уни хориждан келтириш деярли бартараф этилади.

Бундан ташқари йилига бир ярим миллион дона уч литр сиғимли шиша банкалар ишлаб чиқарувчи бўлим қурилиши ниҳоясига етди. Бу маҳсулот асосан истеъмол бозорига чиқарилади. Жамоа бозор талабини ўрганишни давом эттирмоқда. Бундан мақсад келажакда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Абдумурод АШУРОВ,
Абдураҳим БОБОНАЗАРОВ.

МАКТУБЛАР, МАКТУБЛАР, МАКТУБЛАР

МИННАТДОРМИЗ

АСЛИДА бу жой шифохонадан ҳам кўра дам олиш оромгоҳига ўхшайди. Унинг мўъжазгина, шинам биноси атрофидаги майдонларда ранг-баранг гуллардан иборат ҳиёбон ташкил этилган. Ҳар хил мевали дарахтлар ҳудудга кўрк бағишлаган.

Малакали шифокорлар Неъматжон Қорақулов, Шермуҳаммад Тожибоевлар даво муассасасига нажот излаб келган беморларни бел, бўғин, оёқ оғриғи, асаб касалликларидан халос этишда ўз бурчларини сидқидилдан бажармоқдалар.

Чиноз туманидаги Турсуной Охунова номи билан аталувчи қишлоқ касалхонасининг физиотерапия, нина билан даволаш бўлимларида Зера Эмирова, Гулчеҳра Васипова, Малика Сайдалиева, Муҳаббат Абдужабборова сингари жонкуяр ҳамширалар беморлар устида ҳамиша парвона. Уларнинг ширинсўзликлари, меҳрибонликларининг ўзи бир шифо.

Биз беморлар аҳолига сиҳат-саломатлик ато этаётганлар сафида бундай жонкуярлар борлигидан беҳад қувондик. Уларга чин дилдан раҳмат айтамиз.

Хайриниса АҲМЕДОВА,
Саври РАСУЛОВА,
Тостан БЕКЖОНОВ,
меҳнат фахрийлари.

ҚОСИМЖОН ЕНГИБ ЧИҚДИ

ХАЛҚАРО АКСЕЛснинг Ўзбекистондаги ташкилоти инглиз тили ўқитувчилари орасида «Таълим беришдаги муваффақиятлари учун» деб номланган танлов ўтказди. Унга АҚШ ахборот агентлиги ҳомийлик қилди. Республикамиз халқ таълими вазирлиги эса тадбирни ташкил этишга бош-қош бўлди.

Кўрикнинг биринчи ва иккинчи босқичи ниҳоясига етди. Ғолиблар қиймати 200 АҚШ долларига тенг ўқув воситаларидан иборат шахсий совғалар билан тақдирландилар. Айни пайтда совринли ўринларни олган муаллимлар ишлайдиган мактаблар ҳам турли мукофотларга сазовор бўлдилар.

Вилоятимиздан Паркент туманидаги лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Қосимжон Бекжонов бундай шарафга муяссар бўлди.

Акбар АЛИЕВ,
халқ маорифи аълочиси.

МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТГЎЙИ

ҲАР БИР маҳаллада ҳам катта-кичик ўртасида ҳурматэътиборга сазовор, қўни-қўшниларга гапи ўтадиган кишилар бўлади. Улар хизмати кўпгина тўй-ҳашамларда, мусибатли кунларда кўзга ташланади. Оҳангарон туманининг Увак қишлоғидаги «Янги Гўштсой» маҳалласида истиқомат қилувчи Рўзимат ота Бойматов ҳам ана шундай фаоллардан.

Бу йил 77-баҳорни қаршилаган отахон мактабда, маҳалла ёшлари орасида тез-тез суҳбатлар ўтказиб турадилар. Қайси даврада мулоқотда бўлмасинлар, суҳбатдошларни шукроналик билан яшашга даъват этадилар. 1930-1940 йилларда ва фашизмга қарши уруш кезларида бошларидан кечирган оғир кунларни хотирлаб, бугунги тинч-тотув ҳаётимиз билан таққослайдилар.

Яқинда Рўзимат ота билан гурунглашиб қолдик. Ота 16 февралда Тошкентда рўй берган воқеалардан хафа бўлиб гапирдилар:

— Қон тўкканлар гуноҳи азимга ботдилар, ўғлим, бундайларни Аллоҳ ҳам, бандаси ҳам кечирмайди. Ҳар бир ота-она, маҳалла кишилари ёшлар тарбияси билан мунтазам шуғулланишлари керак, — дедилар.

Отахонинг ўзлари сўзларини амалда исботлаш учун маҳалладаги бир учрашувга жўнаб кетдилар.

Муталиб МУҲАМЕДОВ,
ишчи.

КАСБ МЕҲРИ

— Қизим, мана бу мактубни тезроқ борадиган қилиб жўнат.

— Хўп бўлади, ҳозир жўнатаман.

— Қизим, менга учта очиқ хат бериб юбор.

— Марҳамат, отахон.

... Тошкент туманидаги Тўлабий жамоа хўжалиги алоқа бўлими бошлиғи Гулчеҳра Хўжантоевани ҳар бир иш куни шундай бошланади. Тошкент ижтимоий таъминот техникумини аъло баҳолар билан битирган Гулчеҳрага бундан тўрт йил илгари ҳамкишлоқлари, туман алоқа бўлими раҳбарлари катта ишонч билдириб, Тўлабий жамоа хўжалигидаги алоқа бўлимига бошлиқ қилиб тайинлашган эди. Гулчеҳра биринчи кунданоқ ишончни оқлаб, аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатиб келмоқда. Айниқса, хўжаликда истиқомат қилаётган 310 нафар пенсионер бўлим бошлиғининг камтаринлиги, ширин суҳанлигидан ниҳоятда мамнун.

Ҳа, алоқа бўлими бошлиғи Гулчеҳра билан бир марта суҳбатда бўлган ҳар бир кишида фақат илиқ таассурот қолади. Кимки ўзи танлаган касбини сидқидилдан севиб, виждонан меҳнат қилса, шубҳасиз, кўпчилик ҳурмат-эътиборини қозонади.

Мақсуд МУҲАНОВ.

ҚЎШИМЧАСИ – 61 МИЛЛИОН

ЯНГИ АНГРЕН давлат иссиқлик электр станцияси агрегатлари шу кунларда ҳам бир маромда ишлаб турипти.

Бу ерда ҳосил қилинаётган нур вилоятимизнинг барча шаҳар-қишлоқларига етиб бормоқда. Нурчилар электр энергияси ишлаб чиқариш топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солмоқдалар. Айниқса, ишчи-хизматчилар малакасини оширишга, техника қаровини яхшилашга, барча асбоб-ускуналарни муддатида таъмирлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу боис жамоанинг жорий йилнинг ўтган даврида-ги меҳнат натижаси анча самарали бўлди. Республикамиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ҳаммаси бўлиб 2 миллиард 795 миллион киловатт-соат электр энергияси етказиб берилди. Бу режада назарда тутилганига қараганда деярли 61 миллион киловатт-соат кўпдир.

КЎРГАЗМАДА КЎРИБ ҚОЛИНГ

ШУ КУНЛАРДА Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий зали янада гавжумлашиб кетди. Бу ерда республикамиз пойтахти қурилиш саноати маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркаси очилди.

Унда юзлаб давлат, акционерлик, қўшма, жамоа ва хусусий корхоналар ўзлари тайёрлаётган қурилиш ашёларини намойиш қилмоқдалар. Кўргазмада оддий михдан тортиб чўян қувурларгача, темир-бетон буюмларидан тортиб кошинкор тошгахталаргача, ёғоч ўймакорлиги буюмлари, пардозлаш материаллари, девор гулқоғозлари, металл конструкциялари, деворбоп панеллар ва бошқалар бор.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан пойтахт товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этган, 17 майда очилиш маросими бўлиб ўтган бу кўргазмани ташкил этишдан мақсад Тошкентнинг қурилиш саноати салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, қурилиш бизнесида рақобат муҳитини шакллантиришдир. Кўргазмани ўтказиш давомида қатор ахборот-маслаҳат хизматлари фаолият кўрсатади, бир қанча илмий-техник тадбирлар бўйича дастурий семинарлар ташкил этилади. Кўргазма-ярмарка 21 майгача ишлайди.

Собир ҲАМИДОВ.

ЁШЛАРНИНГ ТАРБИЯСИ – ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

БИР оғиз сўз ҳам кишини руҳлантирар экан. Илгари газетага бирон марта хат-хабар ёзмаган эдим. Ота-оналар фаолиятимиз билан танишгач, бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида чиқиш керак, тажрибангизни бошқалар ҳам қўллашса тарбия борасида яхши самаралар беради, деганларидан кейин қўлимга қоғоз ва ручка олдим. Аслида бундай тадбирлар ҳаётимизда анъанага айланиб қолган.

Мени Қибрай туманидаги «Лимончилик» жамоа хўжалигига жамоатчи спорт йўриқчиси сифатида таклиф этишгач, дастлаб ишни нимадан бошлашга қийналиб юрганимда хўжалик раҳбари М. Юсупов чақириб қолдилар.

— Биз учун кундалик меҳнат жараёнидаги натижалар билан бирга ёшлар тарбияси ҳам жуда муҳим, — дедилар у киши. — Вақтни бой бермайлик, атрофимиздаги маҳаллалар билан боғланинг, улардаги ва ўзимиздаги ўсмирлар, йигитлар спортнинг қайси соҳасига қизиқишларини аниқлаб, тўгарак очинг, биз қўллаб-қувватлайлик...

Кўнглимдаги ғашлик йўқолди. Салор қўрғони фуқаролар йиғини раиси А. Абдазов, «Яланғоч ота», «Наврўз» маҳалла қўмиталари оқсоқоллари В. Шукуров, С. Наримбоев, хўжалигимиз касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ш. Мирзаахмедовалар билан батафсил суҳбатлашдик. Улар менга ёрдамлашиш учун фаоллар ажратишди. Шу тарзда қизиқувчилар аниқланиб, кўпчилик болалар, ўсмирлар ва йигитлар илтимосига кўра шахмат-шашка тўгараги очилди. Унинг сафи йилмайил кенгайиб бораверди. Хўжаликда, маҳаллаларда вақти-вақти билан ташкил этиладиган мусобақаларга тўгарак қатнашчиларининг ота-оналарини, улар ўқийдиган мактаб раҳбарлари, ўқитувчиларни ҳам жалб қилиб бораяпмиз. Бу болаларда қизиқишни кучайтириб юборди. Баҳслар бошланишидан олдин «тарбиявий соатлар», «маънавий соатлар» каби қисқа суҳбатлар ўтказиш ҳам одат тусига кирди. Уларда Юртбошимиз китоблари, газеталарда чиққан ахлоқий-тарбиявий мавзулардаги мақолалар ҳақида тушунчалар бериб борилади. Тарбия ишларининг спорт билан уйғунлашуви туфайли чиндан ҳам яхши натижаларга эришдик. Маҳаллаларда, кейинги йиллар ичида кўнгилсиз ҳоллар бекор юрган болаларни уларга жалб этишга даъват қилдилар. Яқинда бўлиб ўтган республика Олий Мажлиси сессиясида Президентимиз фарзандларимизнинг руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур, деган сўзларини таъкидлаб, бу борада сизлар бошлаган иш хайрлидир, деб бизни руҳлантирдилар.

Шу куни мусобақа қизғин ўтди. 25-мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси Абдулҳай Қориев шахмат бўйича, лицей талабаси Аслиддин Фахриддинов шашка бўйича ғолиб бўлдилар. Уларга ота-оналар, бу тадбирга йиғилган жамоатчилик вакиллари иштирокида фахрий ёрлиқлар, турли совғалар топширилди. Мен булар ҳақида батафсил ёзар эканман, корхоналар, хўжаликларда раҳбарлар спорт, тарбиявий ишларни ҳам биринчи даражали вазифа деб тушунишса ёшлар ҳаёти сермазмун кечишини яна бир бор таъкидламоқчиман. Фақат бунга чинакам эътибор керак.

Ҳикматилла МИРЗААҲМЕДОВ,
Қибрай туманидаги «Лимончилик» жамоа хўжалигининг жамоатчи спорт йўриқчиси.

ЕР ЎЗИНИКИ БЎЛСА,

фермер ҳам, деҳқон ҳам уни қадрлайди

ХАЛҚ ҳаётининг моддий асосини мустаҳкамлаш учун деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, салоҳиятларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини Юртбошимиз катта-кичик йиғинларда қайта-қайта таъкидламоқда. Ҳақиқатан ҳам ер ва мулк ҳақиқий эгасига топширилгандагина у энг юқори самара беришини яъни қишлоқ хўжалиги барқарор даромад келтирадиган тармоққа айланишини ўнлаб-юзлаб деҳқон ва фермер хўжаликлари амалда исботламоқда.

Вилоятимизда ҳам бундай хўжаликлар оз эмас. Меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш бошқармаси бошлиғи Турсунмат ХОЛБОЕВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг бугунги аҳволини талаб даражасида дея оласизми?

— Умуман олганда, деҳқон ва фермер хўжаликларини кўпайтириш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш соҳасидаги режали чора-тадбирлар яхши самара бераяпти, дейиш учун тўла асос бор. Ҳозир фермер хўжаликлари сони уч мингга яқинлашиб қолди. Уларнинг асосий қисми деҳқончиликка ихтисослашган. 400дан зиёди чорвачилик билан шуғулланади. Фермер хўжаликларига жами 36857 гектар суғориладиган ва лалми ер ажратиб берилган.

Бугунги кунда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 15643 бош қорамол, шу жумладан 4358 бош сигир, бундан ташқари 17500 бошдан зиёд қўй-эчки, 10 мингга яқин парранда, 2300дан кўпроқ йилқи боқилмоқда. Улар ўтган йилги мавсумда 1115 тонна гўшт, 5451 тонна сут етиштириб, шундан 90 фоизини савдога чиқарди. Қолган қисми оталиқдаги ташкилотларга (асосан мактабларга) тарқатилди.

— Билишимизча, ҳозир вилоятда икки турдаги фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Бирида фақат оила аъзолари, яъни саноқли киши ишлайди. Иккинчисига эса кўплаб ёлланма ишчилар жалб этилган. Уларнинг қайси бирини истиқболли деб ҳисоблайсиз?

— Вилоятимизда шу кунгача ташкил этилган фермер хўжаликларида 16 минг 387 киши иш билан банд. Демак, ҳар бир фермер хўжалигига 5-6 ишловчи ва уларнинг ҳар бирига 2,2 гектар ер тўғри келади. Аммо ишловчилар сони ҳамма фермер хўжаликларида ҳам бирдек деб бўлмайди. Чунончи, Юқоричирчиқ туманидаги мавжуд 258та фермер хўжалигида ўртача 2,5 киши меҳнат қилса, Чиноз туманидаги 121та фермер хўжалигининг ҳар бирига ўртача 6,7 нафар ишловчи тўғри келади.

Юз гектар ва ундан зиёд ер майдонига эга бўлган фермер хўжаликларида иш ёлланма меҳнат асосида ташкил этилган. Жумладан, Юқоричирчиқ туманидаги «Эргаш ота», Бўстонлиқ туманидаги «Рамазон», Оққўрғон туманидаги «Мурод» каби ўнлаб фермер хўжаликларида асосан 35-50 нафар ёлланма ишчилар меҳнат қилади.

Бироқ эришилаётган натижалар фақат оила аъзоларидан ташкил топиб, кучлари етадиган миқдорда ер олган фермер хўжаликларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, Оққўрғон туманидаги «Калиас» фермер хўжалигининг 3 гектар ери бўлиб, 3 кишидан иборат оила аъзолари меҳнат қилади. Меҳнат шартномалари тузилган, меҳнат дафтарчалари очилган. Деҳқон Куролов раҳбарлигидаги ушбу оилавий фермер хўжалиги ўтган мавсумда 2 гектар ерга буғдой экиб, 40 центнердан ҳосил кўтарди. 20 сотих ердан 7 тонна картошка олди. Дон учун экилган маккажўхори эса 40 центнердан ҳосил тўкди.

Қишлоқ ва ислоҳот

Шу биргина мисолдан кўриниб турибдики, йирик фермер хўжаликларида барча иш жараёнларина аста-секин механизациялаштириш ҳисобига ёлланма ишчиларни камайтириб бориб, келажакда фақат оила аъзоларини қолдириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, Юртбошимиз ҳам халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида тараққий этган мамлакатларда ана шундай ҳар жиҳатдан етук фермерлар фаолият кўрсатаётгани учун қишлоқ хўжалигида иш самараси, ҳосилдорлик, меҳнат унумдорлиги биздагига нисбатан бир неча баробар юқори эканлигини таъкидлаган эдилар.

— Бизда ҳам деҳқончилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари эришаётган натижалар жамоа хўжаликларидагига қараганда анча салмоқли бўлиб бормоқда. Бироқ чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ўсиш, ривожланиш негадир суст кечаяпти...

— Афсуски, ҳозирги аҳвол шундай. Масалан, вилоят бўйича барча турдаги хўжаликларда ҳар бош сигирдан ўртача 1423 килограммдан сут соғиб олинаётган бўлса, фермер хўжаликларида 1208 килограммдан тўғри келаяпти. Аҳоли қўлидаги яъни хонадонлардаги сигирлар эса ўртача 2106 килограммдан сут бераяпти.

Лекин бундан вилоятдаги ҳамма чорвачилик фермер хўжаликларида аҳвол бирдек ёмон экан дея хулоса чиқариш нотўғри бўлади. Ўзини анча тутиб олган фермерларнинг фаолияти шуни кўрсатмоқдаки, нафақат сут, балки гўшт етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларида чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришнинг бирдан-бир тўғри йўли, аввало, моллар зотини яхшилаш ва озуқа базасини мустаҳкамлашдир.

— Мамлакат равнақи, аввало, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг тўқ, фаровон ҳаётга эришишидан бошланади. Кейинги йилларда деҳқон хўжаликларини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоятимизда бу борадаги аҳвол қандай?

— Эсингизда бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларидан бирида Юртбошимиз оилаларга бериладиган томорқа ерлари негизида деҳқон хўжаликларини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш вазифасини қўйдилар. Ўшандан буён вилоятимизда деҳқон хўжаликлари кескин кўпайиб, ички бозорларни қишин-ёзин сарҳил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш барқарор тус олиб бормоқда.

Масалан, Пскент туманида истиқомат қилувчи Мурод Маҳмудов ўзининг 26 сотих ерида деҳқончилик қилади. Ўтган йилги мавсумда у 500 килограмм узум, 6 тонна помидор, шу туманлик Олимжон Алиматов эса 30 сотих ерининг бир қисмидан 1 тонна узум, 3 тонна помидор олди. Ҳар икки деҳқон бундан ташқари ўз рўзғорлари учун етарли пиёз, картошка ва мева ҳам етиштирдилар. Тошкент туманилик Мавжуда Турғунова эса 12 сотих ерининг 4 сотихида иссиқхона қуриб, 1,2 тонна помидор етиштирди ва катта даромад олди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, ер ва мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириб, жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)га айлантириш, уларда ишни оила пудрати асосида ташкил этиш билан бир вақтда, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш вазифаси қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг устивор йўналиши қилиб қўйилаётганлиги бежиз эмас. Асосий мақсад ҳар бир оиладаги меҳнатга лаёқатли кишиларни нафақат иш билан, балки кексайган чоғларида пенсия билан ҳам таъминлашдан иборатдир. Зеро, деҳқон хўжаликлари аъзолари пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда бадал тўлаб борсалар уларга суғурта йўли билан давлат нафақаси ва пенсиялар тайинланиши қонун билан кафолатланган.

Суҳбатдош:
Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *1999 йил 30 мартдаги 146-сон қарорига асосан* Тошкент вилоятидаги «Пахтабанк» бўлимлари томонидан 3 ва 6 ой давомида банк ҳисоб варақлари орқали пул операцияларини амалга оширмаганлиги сабабли банк ҳисоб варақлари ёпилган хўжаликлар рўйхати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БАНК ЖАРАЁНЛАРИ БЎЛИМИ:

1. «Тошкент вилоят каноп саноатсотиш» акционерлик бирлашмаси
2. «АЛТАРИ» акционерлик жамияти
3. «Файда» масъулияти чекланган жамияти
4. Ўзбекистон Республикаси ишбилармон аёлларнинг «Тадбиркор аёл» уюшмаси
5. «Тошвилжамоахўжаликқурилиш» трестининг жамоахўжаликлараро савдо-тижорат ишлаб чиқариш бошқармаси
6. «ДИЛНОЗАХОН-А» хусусий фирмаси
7. «ТЕМУР ТУР БИЗНЕС» хусусий фирмаси
8. «РЕГАЛ БИЗНЕС» хусусий фирмаси
9. Янгибозор механизациялашган кўчма колоннаси

ОҚҚЎРҒОН ПБ

1. Туманчорвасервис
2. Қизил ярим ой жамғармаси
3. «Мурод ЛТД» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси
4. Туман шахсий уй-жой қурилиш кооперативи
5. «Мафтуна» касаба уюшмаси
6. Хўжалик ҳисобидаги қурилиш-монтаж бошқармаси
7. Номоз бобо масжиди
8. «Дурадгор» фермер хўжалиги
9. АЛП жамоа корхонаси

БЎКА ПБ

1. «Шокиржон» шахсий корхонаси
2. «Лаззат» шахсий корхонаси
3. «Дилшодбек» шахсий корхонаси
4. «Фарход» фирмаси
5. «Ишонч» дорихонаси
6. «Гулноза» шахсий корхонаси
7. «Элёр» деҳқон-фермер хўжалиги
8. Физкультура ва спорт жамияти
9. «Иқтидор» фонди
10. 148-Қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси

ЗАФАР ПБ

1. «Зулфиқор» фермер хўжалиги
2. «Тараққиёт» фермер хўжалиги
3. «Нурафшон» фермер хўжалиги
4. «Фарҳод» фермер хўжалиги
5. «Камолбой» фермер хўжалиги
6. «Усмон» фермер хўжалиги
7. «Жумагул» фермер хўжалиги
8. «Жавлонбек» фермер хўжалиги
9. УФК фермер хўжалиги
10. Хатамбой фермер хўжалиги
11. Ганжина фермер хўжалиги
12. Хайрулло фермер хўжалиги
13. Холбек-ота фермер хўжалиги
14. Зафар фермер хўжалиги
15. Фурқат фермер хўжалиги
16. Ширин фермер хўжалиги
17. Воҳобжон фермер хўжалиги
18. Қизил-чорвадор фермер хўжалиги
19. Сарбон фермер хўжалиги
20. Ўрта-бўз фермер хўжалиги
21. «Кўҳинур» хусусий фирмаси
22. «Гулноза» имтиёзи чекланган жамият
23. «Дилшод» имтиёзи чекланган жамият
24. Тошкент ихтисослаштирилган механизация кўчма колоннаси
25. Ҳокимият қошидаги ерни ижарага бериш бўлими
26. «Ислом» хусусий фирмаси
27. «Мададкор» кичик корхонаси
28. Доно фермер хўжалиги
29. «Темур» хусусий фирмаси
30. «Султон» имтиёзи чекланган жамият
31. «Зафар» хусусий фирмаси
32. «Илёс» фермер хўжалиги
33. «Шердор» хусусий фирмаси
34. «Бинокор» кичик корхонаси
35. «Нафосат» кичик корхонаси
36. Хўжаликлараро капитал қурилиш бошқармаси
37. Зараркунандаларга қарши кураш бўлими
38. «Саидмирзо» қўшма корхонаси
39. «Кўркам» бўрдоқичилик касаба уюшмаси
40. ЭКОСАН фонди
41. «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» фонди
42. Деҳқонлар уюшмаси
43. Ичкиликбозликка қарши курашиш жамияти
44. Туман маиший хизмат кўрсатиш бирлашмаси
45. «Юлдуз» хусусий фирмаси

ПСКЕНТ ПБ

1. «ОМАД» хусусий корхонаси
2. «ИШОНЧ» хусусий корхонаси
3. «ПСКЕНТ» хусусий корхонаси
4. «МИРАҒЗАМ» хусусий корхонаси
5. «БЎСТОН» совхози
6. «МАСЛАКДОШ» хусусий корхонаси
7. МАҲАЛЛИЙ РАДИО
8. «ЎЗБЕКИСТОН» фермер хўжалиги
9. Механизация кўчма корхонаси
10. «ЗУҲРА» хусусий корхонаси

ДЎСТОБОД ПБ

1. 121-дорихона
2. 94-дорихона
3. 222-дорихона
4. 153-дорихона
5. «Казбек» хусусий фирмаси
6. «Муштарий» хусусий фирмаси
7. «Гавҳар» хусусий фирмаси
8. «Меҳмон» хусусий корхонаси
9. «Шуҳрат» хусусий корхонаси
10. «Астория» хусусий корхонаси
11. Йўлдош хусусий корхонаси
12. Камола хусусий корхонаси
13. Искандер хусусий корхонаси
14. ЭРК хусусий корхонаси
15. Наргиз хусусий корхонаси
16. Хуршида хусусий корхонаси
17. Бобур хусусий корхонаси
18. БАХТ кичик корхонаси
19. Шаҳноза фирмаси
20. «Мадат» кичик корхонаси
21. Янги-Ҳаёт имтиёзи чекланган жамият
22. Кўрғончи каноп заводи акц. жам.
23. Гул каноп заводи акц. жам.
24. Янги-Ҳаёт каноп заводи акц. жам.
25. Туманлараро каноп уруғчилиги станцияси
26. Ҳунарманд уюшмаси
27. Солдатский ТЗК
28. «Лилия» имтиёзи чекланган жамият
29. Дўстобод СУТ
30. АРМОН агрофирмаси
31. МЕҲНАТ агрофирмаси
32. «НУР» кооперативи
33. Беруний болалар соғлиғини тиклаш маркази
34. Янги-Ҳаёт касаба уюшмаси
35. Ўзбекистон касаба уюшмаси
36. ИМРОН Имтиёзи чекланган жамият
37. НАВРЎЗ жамоа корхонаси
38. Навоий касаба уюшмаси
39. «Инициатор» хусусий ишлаб чиқариш кооперативи
40. 5-Хўжаликлараро механизация кўчма корхонаси
41. «МУНИС» жамоа корхонаси

ЧИНОЗ ПБ

1. «Хумо» хусусий корхонаси
2. Исматилла хусусий корхонаси
3. Қалб хусусий корхонаси
4. Самат Раҳмон хусусий корхонаси
6. «Ҳаётбахш» хусусий корхонаси
7. Меркурий хусусий корхонаси
8. Лутфулла хусусий корхонаси
9. Бахт қуши хусусий корхонаси
10. «Дента» хусусий корхонаси
11. «Наса Б» хусусий корхонаси
12. Адолат адвокатлик бюроси

ЯНГИБОЗОР ПБ

1. ПОЛИТОТДЕЛ хоккей клуби
2. «ИШОНЧ» фирмаси
3. МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ жамғармаси
4. «КАРАТ» хусусий фирмаси
5. «КАНАТ» хусусий фирмаси
6. «ОЛИМЖОН» хусусий фирмаси
7. «АГРОХИЗМАТ» фирмаси
8. «ДАВРОН» хусусий кичик корхонаси
9. «АЛИШЕР» хусусий фирмаси
10. «ДИАНА» имтиёзи чекланган жамияти
11. «КЕБ» хусусий фирмаси
12. «МЕҲНАТ» имтиёзи чекланган жамияти
13. «САРЧАШМА» хусусий фирмаси
14. «НАШР» хусусий фирмаси
15. САВДО ТАЙЁРЛОВ ИДОРАСИ

ПАРКЕНТ ПБ

1. ЖАЙХУН фермер хўжалиги
2. ҚЎЧҚОР фермер хўжалиги
3. САРВАР фермер хўжалиги
4. ЗАРЗИНДОН фермер хўжалиги
5. ХУШНУД фермер хўжалиги
6. ДИЛБАР фермер хўжалиги
7. САРВАР хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси
8. ХАСАН ЗУРА фермер хўжалиги
9. ДАВР хусусий савдо фирмаси
10. ПОЛВОН хусусий савдо дўкони
11. ИЧКИҚЎРҒОН фермер хўжалиги
12. КАРИМА хусусий кичик корхонаси
13. БОЛАЛАР ижодий уюшмаси
14. Туман шахсий уй-жой қурилиш кооперативи
15. ФУТБОЛ Федерацияси
16. «ФОТИМА» ижара корхонаси

ЯНГИЙЎЛ ПБ

1. ОЛТИН-ЎРДА хусусий фирмаси
2. «ЧАМАНЗОР» хусусий кичик корхонаси
3. «СТРОЙСЕРВИС-В» хусусий фирмаси
4. «ОАЗИС» хусусий фирмаси
5. ОМАДЛИ фирмаси
6. САИД-АХБОР хусусий кичик корхонаси
7. ИМПЕРАТОР хусусий ишлаб чиқариш кичик корхонаси
8. БАРАКА кичик корхонаси
9. БАРХАЕТ хусусий фирмаси
10. ЖАСУР хусусий фирмаси
11. АНАСТАСИЯ хусусий фирмаси
12. НОВБАХОР хусусий фирмаси
13. АДОЛАТ хусусий фирмаси
14. АБУБАКИР хусусий фирмаси
15. ШЕРДОР хусусий фирмаси
16. АЛИМАТ хусусий фирмаси
17. КУМРИНИСО хусусий фирмаси
18. ИСЛОМБЕК хусусий фирмаси
19. РУСТАМБЕК хусусий фирмаси
20. «ҚУРУВЧИ-М» кичик корхонаси
21. ОЛИМКОР хусусий фирмаси

ГУЛБАҲОР ПБ

1. ДИЛАФРУЗ хусусий фирмаси
2. УМИД ЮЛДУЗ хусусий фирмаси
3. ДИЛШОД хусусий фирмаси
4. ШАХОДАТ хусусий фирмаси
5. МУХАНДИС хусусий фирмаси
6. НИЛУФАР кичик корхонаси
7. ЕЛЕНА хусусий фирмаси
8. БАХТИЁР хусусий фирмаси
9. НЕЪМАТ хусусий фирмаси
10. ХОСИЯТ хусусий фирмаси
11. ГУЛХАН хусусий фирмаси
12. ШАХНОЗА хусусий фирмаси
13. ФУТБОЛ АССОЦИАЦИЯСИ
14. ФУТБОЛ спорт клуби
15. СОҲИБКОР агрофирмаси
16. ТИЛЛАБОЙ ОТА фермер хўжалиги
17. Янгийўл тумани тадбиркорликни интелектуал қўллаб-қувватлаш маркази

ТЎЙТЕПА ПБ

1. Илхом хусусий савдо корхонаси
2. Фирдавс хусусий фирмаси
3. Илёсбек деҳқон хўжалиги
4. Зафарбек хусусий фирмаси
5. Автогазмонтаж хусусий фирмаси
6. Довуд хусусий корхонаси
7. Пойдевор хусусий фирмаси
8. «Қора олтин» хусусий фирмаси
9. Гулноз хусусий фирмаси
10. Муштарий бегим хусусий фирмаси
11. Рўзивой хусусий фирмаси
12. Ғанижон деҳқон хўжалиги
13. Курбонов Нурилла деҳқон хўжалиги
14. Собир ота деҳқон хўжалиги
15. Аббос ота деҳқон хўжалиги
16. Фарангиз хусусий фирмаси
17. Севара хусусий фирмаси
18. Мовлонбек деҳқон хўжалиги
19. Жовлонбек хусусий фирмаси
20. Бахт хусусий фирмаси
21. Озод хусусий фирмаси
22. Моҳира-Мадина хусусий фирмаси
23. Алим ота кичик хорхонаси
24. Зиёд масъулияти чекланган жамияти
25. Ҳаёт деҳқон хўжалиги
26. Даврон деҳқон хўжалиги
27. Экосанкадер илмий ишлаб чиқариш фирмаси
28. Умид деҳқон хўжалиги
29. Ният деҳқон хўжалиги
30. Тошлоқ деҳқон хўжалиги
31. Эллада кичик корхонаси
32. Абдураҳмон хусусий корхонаси
33. Муҳаббат хусусий фирмаси
34. Алжамшид хусусий фирмаси
35. Мавлуда бону ишлаб чиқариш тижорат фирмаси
36. Бўстон деҳқон хўжалиги
37. «Келажак» деҳқон хўжалиги
38. Жавлонбек хусусий фирмаси
39. «Авицена» хусусий фирмаси
40. Ғишт ишлаб чиқариш кичик корхонаси
41. Абдулатиф хусусий фирмаси
42. Аблохат хусусий фирмаси
43. Жамол ишлаб чиқариш тижорат фирмаси
44. Шовкат хусусий фирмаси
45. Мирсаид деҳқон хўжалиги
46. Саша хусусий фирмаси
47. Фозилбек ишлаб чиқариш тижорат фирмаси
48. Юна хусусий фирмаси
49. Тошкент хусусий фирмаси
50. Ўртасаройфармед хусусий фирмаси
51. Маматкул деҳқон хўжалиги
52. Туркистон хусусий фирмаси
53. Раъно хусусий фирмаси
54. Хасаншер хусусий фирмаси
55. Насиба хусусий фирмаси
56. Гулбаҳор деҳқон хўжалиги
57. Қизил Қум хусусий фирмаси
58. Қирқ Қулоқ ота деҳқон хўжалиги
59. Диёр кооперативи
60. Осиё кооперативи
61. Ёш куч кооперативи
62. Тўйтепа хўжалик ҳисобидаги корхона
63. «Туркистон» кичик корхонаси
64. Буюк тижорат корхонаси
65. Агроқурилиш хўжаликлараро ишлаб чиқариш корхонаси
66. Тўйтепа металл конструкция заводи профилакторийси
67. Ўзбекистон Маданият маркази
68. Аломат кичик корхонаси
69. Зарнигор кичик корхонаси
70. Темп кичик корхонаси
71. Бахт кичик корхонаси
72. Ойбек кичик корхонаси
73. Ўзмарказагробизнес
74. «Аббос ота» хусусий фирмаси
75. «Каскад» кооперативи
76. Уют кичик корхонаси
77. Стеллор шўъба корхонаси
78. «СаСа» қўшма корхонаси
79. «Техчорвасервис» корхонаси
80. Тошкентсувқурилиш ТИЧТЖБ
81. Жавлон хусусий кичик корхонаси
82. Хазрат масъулияти чекланган жамияти
83. Мақсад масъулияти чекланган жамияти
84. Наргиз тижорат фирмаси
85. Илғор хусусий фирмаси
86. «Д ва У» масъулияти чекланган жамияти
87. Зулқар масъулияти чекланган жамияти
88. «Наврўз» масъулияти чекланган жамияти
89. «Ашир Дўст» масъулияти чекланган жамияти
90. Ўзинтесервис қурилиш ишлаб чиқариш бошқармаси
91. Давр Ко ЛТД хусусий корхонаси
92. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туман Бизнес фонд бўлими
93. Уста масъулияти чекланган жамияти
94. Ника кичик корхонаси
95. Абоқурилиш савдо хусусий фирмаси
96. Зулфия хусусий корхонаси
97. Аҳрор-Жасур хусусий корхонаси
98. 191-ремонт қилиш бошқармаси
99. Бирдамлик Акционерлик жамияти
100. Пўлат-Х савдо ишлаб чиқариш фирмаси
101. Шабхоз-Равшан хусусий корхонаси
102. Тошлоқ хусусий фирмаси
103. ТошДАУ қошидаги боғдорчилик жамияти
104. Брокер хусусий фирмаси
105. Наргиз кичик корхонаси
106. Азиза хусусий фирмаси
107. «Светлячок» хусусий фирмаси
108. Нодир хусусий кичик корхонаси
109. Мохинур хусусий фирмаси
110. Бахром хусусий фирмаси
111. Баҳор хусусий фирмаси
112. Роза хусусий кичик корхонаси
113. Абзал хусусий фирмаси
114. «Эра» савдо ишлаб чиқариш фирмаси
115. «Наврўз» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси
116. «Файз» хусусий фирмаси
117. Неъмат хусусий корхонаси
118. «Келажак» хусусий фирмаси
119. «Камрон» кичик корхонаси
120. Зооветсервис ишлаб чиқариш тижорат кичик корхонаси
121. «Ханифа» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси
122. «Абдулов» хусусий корхонаси
123. «Ширин» хусусий корхонаси
124. «Раззоқ бобо» хусусий корхонаси
125. «Сабо» хусусий корхонаси
126. «Наташа» хусусий корхонаси
127. «Омад» хусусий кичик корхонаси
128. «Сарбон» кичик корхонаси
129. Дилшод хусусий кичик корхонаси
130. Феруза кичик корхонаси
131. Рустам кичик корхонаси
132. Максрин кичик корхонаси
133. Махлиё кичик корхонаси

Хотира

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛДИ

Инсон ўзининг онгли ҳаёти мобайнида битта ёки бир неча дарахт экиб, уни парвариш қила олса, умри боқий бўларкан. Айтайлик, ўша киши қамишзор ва тўқайзорларни тозалаб, ботқоқликларнинг сувини қочириб, уларнинг ўрнига минглаб дов-дарахтлар экса-чи. Боғ-роғлар яратиб, элу юрт фаровонлигига ҳисса қўшса-чи? Ундай кишиларнинг етти пуштига илоҳий раҳматлар ёғилади, одамлар уларни асло унутмайди, дейишади. Ана шундай кишилардан бири — қуйичирчиқлик машҳур раис Муҳаммад Отажонов эди.

Аввало, тарих саҳифаларига бир назар солайлик. Янги «Қуйичирчиқ» хўжалиги 1946 йилнинг 15 февралида ташкил топди. Турли миллат вакилларидан иборат 100 нафар ишчи оиласи бу ерга ихтиёрий равишда кўчиб келди. Уларга 6та барак типидаги йиғма, 52та тупроқ томли уйлар, шунингдек, 102 бош қорамол, 26та соғин сигир, 10та СТЗ трактори мерос бўлиб қолди.

Эндигина урушдан қайтган ёш зобит Муҳаммад Отажонов хўжаликка бошчилик қила бошлади. У умрининг охиригача мана шу ерда ишлади. Боғ-роғлар, узумзорларга асос солди.

Қамишзорлар ўрнида пайдо бўлган жаннатмакон хўжаликни оёққа турғиза олган Муҳаммад ака ўзи ҳам тиним билмади, ўзгани ҳам тиндирмади. Қаттиққўллиги, одиллиги, сўзининг уддасидан чиқа олиши билан одамларнинг кўнглига йўл топди, кўпчиликнинг бошини силади. Ишчилар чўнтагига аста-секинлик билан бўлса-да, барака кирди. Дастурхонлари тўкин бўлиб қолди. Узоқ йиллар мобайнида бу жамоа вилоятимизнинг машъал хўжаликларидан бири бўлиб келди. Дарвоқе, ҳозирги кунда ҳам шундай...

...Ҳаво бирдан майинлашди. Салқин шабада эсиб, кўнгилга қандайдир сокинлик ва ором бахш этди. Муҳаммад Отажонов номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Қирғизбой Дўсмагаметов берилган саволларга батафсил ва аниқ жавоб беришга ошиқади...

— Биз хоҳлаймизми, йўқми, ўтмиш билан ҳозирги кун қоришиб кетаверади. Бугунги кунда 2200 гектардан ортиқ майдонга эга бўлган ҳиссадорлик жамияти тасарруфида 603 гектар мевазор боғлар, 525 гектар узумзорлар астойдил парвариш қилинаётганлиги, 560 гектар ерда элнинг ризқ-рўзи бўлмиш буғдойзорлар ва бошқа экинлар яқинда рўй берган табиий офатдан омон-эсон чиқди. Одамлар меҳнати, ерга бўлган меҳр-муҳаббати туфайли улар барқ уриб ўсмоқда.

Яхшининг шарофати туфайли бугунги кунда одамлар тўқ, фаровон яшамоқда. Ҳовлижойлар, 105 ўринли шифохона, «Бахт уйи», Дам олиш уйи, 300 болага мўлжалланган боғча, 600 ва 800 ўринли ўқувчи-ёшлар таълим олаётган мактаблар, мева сақланадиган совуқхона, узумни қайта ишлайдиган вино заводи, хонадонларга киритилган газ, сув, чироқ — бари-барига Муҳаммад Отажоновнинг олтин қўллари теккан. Ҳар бир бинонинг пойдеворига илк ғиштни Муҳаммад ота қўйганлиги ҳам рост.

Ким билан суҳбатлашмайлик, отани илиқ сўзлар билан эслашади. Биз суҳбатлашган Михаил Гроза, Илҳом Отажонов, Анна Урмиева, Акром Пайзиев, Наби Дўсмагаметов ва бошқалар отанинг ўзига хос яхши хислатларини фахр ва ифтихор билан гапириб беришди.

Муҳаммад ота бир-биридан меҳнаткаш, эл-юрт ишига камарбаста тўрт ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлари ҳам оталарига тортишди. Катта ўғил Ниғматжон «Қамчиқстрой»да бош муҳандис, Илҳомжон ва Умаржонлар ижарачи, кенжатой Абдуллажон эса мана, беш йилдирки, ота изидан бориб, унинг ишларини давом эттирмоқда.

Инсон ўз олдидаги дастлабки қийинчиликларни мардонавор енга олгандагина ўзи очган сўқмоқдан катта йўлга чиқиб олади. Муваффақият эса бир-бирини етаклаб келаверади. Муҳаммад Отажоновнинг ўгитларидан бири ҳам шу бўлган. Унинг олтин қўллари билан яратган боғ-роғлари фарзандлари қўлида янада гуллаб-яшнашига ишончимиз комил.

Шавкат ТУРОБ.





БУ КОРХОНА жамоаси меҳнати меваларидан минглаб янгийўлликлар баҳраманд бўлмоқдалар. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотлари, турли-туман ширинликлар уларнинг дастурхонига етказиб берилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳар куни новвойлар 7-8 тоннадан ризқи-рўзимизни савдо шахобчаларига жўнатмоқдалар.

Корхона ишчи-хизматчилари янги маҳсулотларни тайёрлашни ҳам ўзлаштиришяпти. Жумладан, маъданли сув ва музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Натижада қўшимча ишчи ўринлари барпо этилди. Шу туфайли меҳнат жамоаси сафи 120 кишига етди. Янгийўл тумани матлубот савдо акциядорлик жамиятига қарашли «Одил Бекхўжаев» корхонасининг жамоаси бир ойда 15 миллион сўмликка яқин маҳсулотлари билан истеъмол бозорини тўлдирмоқдалар.

***СУРАТЛАРДА:** ишчилардан Матлуба Аҳмедова ва Гулбаҳор Назаровалар тандирдан чиққан нонларни тахламоқдалар (юқорида). Уста новвой Фотима Нурматова ўз маҳсулотини намойиш қилмоқда.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар • одамлар • воқеалар

Воқеалар тўлқинида

• 13-14-15 МАЙ кунлари Россия Федерацияси Давлат Думасида президент Борис Ельцинга нисбатан импичмент (лавозимидан четлаштириш) жараёнини қўзғаш тадбири амалга ошмади. Махсус комиссия ва гувоҳлар чиқишларидан сўнг импичмент эълон қилиш масаласи овозга қўйилди. Бироқ, импичмент бошлаш учун зарур бўладиган 300 овоз тўпланмади.

• ИНДОНЕЗИЯДАГИ «Голкар» ҳукмрон партияси шу йил мамлакатда бўлиб ўтадиган умумий парламент сайловида Бурхониддин Юсуф Ҳабибий номзодини президентликка қўйишини маълум қилди. Парламент сайловлари 7 июнь кунига мўлжалланган.

• ЎТГАН якшанба куни Исроилда парламент сайловлари бошланди. У икки босқичда ўтказилади.

• ЭРОН президенти Муҳаммад Ҳотамий расмий ташриф билан Саудия Арабистонига келди.

• ПЕРУ президенти Альберто Фухимори ва Эквадор президенти Жамил Мавуод икки мамлакат чегараларини белгиловчи якуний ҳужжатга имзо чекдилар. Шу тариқа Лотин Америкасининг икки давлати ўртасидаги кўп йиллик ҳудудий можарога нуқта қўйилди.

• ПОРТУГАЛИЯ ҳукумати Гвинея — Бисаунинг яқинда куч билан ҳокимиятдан четлатилган президенти Жоа Бернард Виейрага сиёсий бошпана берадиган бўлди. Мамлакат бош вазири Антониу Гутерриш матбуот анжуманида ана шуни маълум қилди.

• ИСПАНИЯ бош вазири Хосе Мария Аснар Москвага сафар қилди.

УСТИВОР АНДОЗАЛАРНИ ЎРГАНИШ КЕРАК

ҲАР БИР мамлакатнинг истиқболли тараққиётида иқтисодга таллуқли халқаро андозаларни эгаллаш катта аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизнинг турли тизимлардаги мутасаддилари ана шу тамойилга қатъий амал қилмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган «Маркетинг ва тадбиркорлик этикаси» мавзусидаги халқаро семинар ҳам ана шу нуқтаи назардан мутахассисларимизга янги-янги маълумотлар берди. Республикамиз «Устоз» жамғармасида Исроилнинг «Машав» халқаро алоқалар маркази экспертлари айни мавзудаги масалаларни кенг ёритишда катта салоҳиятларини намойиш этдилар. Замонавий, самарали иш услубини биладиган ҳамда хорижий ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиш тажрибасига эга бўлган мутахассисларнинг чиқишлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон ва жаҳон

Икки ҳафта давом этган анжуманда тингловчилар эътиборига иқтисодий билимлар беришда халқаро даражада қўлга киритилган ютуқлар ҳавола этилди. Йиғилганлар маркетинг ва ишлаб чиқаришни бошқариш маданияти ҳамда Исроилнинг бу соҳада эришган тажрибалари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Семинарда Исроил ва Ўзбекистоннинг таълим тизимидаги ўзгаришлар борасида ҳам фикрлар алмашинди. Мулоқотлар сўнгида иштирокчиларга халқаро андозадаги махсус гувоҳномалар топширилди. Энди улар кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, мамлакатимизнинг турли минтақаларида семинарлар ва бошқа ўқув тадбирлари ўтказиб, олган билимлари билан ўртоқлашадилар.

ПОЛЬШАНИНГ НИЯТИ КАТТА

ОВРУПО қитъасидаги давлатларнинг Оврупо Иттифоқига аъзо бўлиши катта нуфузлардан бири ҳисобланади. Польша Республикаси ҳам бўлажак тўрт йил ичида Оврупо Иттифоқига аъзо бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини жадаллаштирмоқда. Мамлакат президенти Александер Квасьневский яқинда ана шу ҳақда баёнот берди. Унинг таъкидлашича, Оврупо Иттифоқи янги мамлакатларни қабул қилиш муддатини ҳозирча белгиламаган. Бироқ, Польша 2002 ёхуд 2003 йил бошида Оврупо Иттифоқига аъзо бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

ИТАЛИЯДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

ИТАЛИЯДА давлат бошлиғи ўзига хос анъана асосида сайланади. Мамлакат президенти сенат ва депутатлар палатасининг қўшма мажлисида яширин овоз бериш йўли билан аниқланади. Мажлисда 58 вилоят вакиллари ҳам иштирок этадилар. Овоз бериш ҳуқуқига эга иштирокчилар мамлакатда «катта сайловчилар» номини олган. Уларнинг сони 1010 киши бўлиб, 629 нафари депутат, 323 нафари сенатор ва 58 нафари вилоятлар вакилларидир.

Италия президенти лавозимини эгаллаш учун бу галги сайловда икки номзод курашди. Уларнинг бири — Карло Адзельо Чампи ҳазина ишлари, бюджет ва иқтисодиётни режалаштириш вазири лавозимида ишлаб келаётган эди. Иккинчи номзод — Роза Русco Евролино бўлиб, бу хоним Италия ички ишлар вазири эди.

Куни кеча Италия парламенти яширин овоз бериш йўли билан Карло Адзельо Чампини мамлакатнинг янги президенти этиб сайлади. Унинг номзодини ёқлаб 707 нафар сенатор, депутат ва вилоятлар вакиллари овоз бердилар. Италия конституциясига биноан президент сайлови бир неча босқичда ўтади. Номзод босқичларининг дастлабки учтасида мутлақ кўпчилик — камида 674 овоз олиши керак. К. А. Чампи олган овоз эса бу рақамдан анча зиёд бўлди.

Италия давлати бошлиғи лавозимида бўлиш муддати етти йил. К. А. Чампи Италия республикаси тарихида ўнинчи давлат раҳбаридир.

ЗАРБА УСТИГА ЗАРБА

КОНГО Демократик Республикаси ҳарбий-ҳаво кучлари исёнчиларнинг мамлакат шарқидаги Гома шаҳрида жойлашган ҳарбий истеҳкомига кучли зарба берди. Натижада, 28 нафар қўзғолончи нобуд бўлди, 15 киши жароҳатланди.

Оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг ёзишича, қўзғолончилар истеҳкомига тунда дафъатан ҳужум уюштирилган. Исёнчилар ўзини ўнглаб олишига имконият берилмасдан ҳарбий-ҳаво кучлари Увира шаҳрига ҳам ҳужум уюштирдилар. Бу ерда ҳам муxолиф томон катта қурбонлар берди.

ДУНЁНИНГ *турли* ГЎШАЛАРИДА

• ТУНИС шаҳарларидан бирида истиқомат қиладиган оддий оилада Шариф ал-Халиф деган болакай дунёга келган эди. У ҳозир беш ёшда. Масаланинг антиқа томони шундаки, болакайнинг тили чиқар-чиқмас ҳаммани ҳайратга сола бошлади. У беш ёшда бўлишига қарамай, бешта ажнабий тилни билади. Қуръони каримнинг қатор катта-катта сураларини ёддан ўқийди. Шариф ал-Халиф ўз тарғиботларида йиғилганларни «Қуръон таълимотлари асосида жамият тузиш»га чақиради. Ҳаммага ўхшамаган ўсмирнинг эмакдоши Латиф Гайенинг айтишича, болакай «Аллоҳ таолонинг мўъжизаси» эмиш.

• АЙНИ КУНЛАРДА Гватемалада «гўдаклар савдоси» оддон авжига чиқмоқда. Бурноғи йили мамлакатдан 1300 нафар чақалоқ ёки болакай олиб чиқиб кетилган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 2200 нафарга етди. Ҳозир кунда-кунора хуфъявий савдолар амалга оширилмоқда. Халқаро ҳуқуқни муҳофаза этиш ташкилоти — «Умумий уй» директорининг айтишича, янги туғилган ёхуд ақлини танимаган норасидалар 50 доллар эвазига қашшоқ оналарининг фарзанди сифатида расмийлаштирилар, сўнгра улар ўгай ота-оналарга ҳужжат билан қонуний асосда топширилар эканлар. Натижада, «бола даллоли» ҳар бир гўдакдан камида 15 минг доллар фойда кўрар экан. Болалар асосан АҚШ, Оврупо мамлакатлари ва Исроилга жўнатилмоқдалар.

УЧРАШУВ ҚОЛДИРИЛДИ

ЎТГАН ҲАФТА ўрталарида Хитой Халқ Республикаси пойтахти — Пекинда очилиши белгиланган Хитой — Оврупо Иттифоқи анжумани бошқа вақтга қолдирилди. Олмониянинг ХХРдаги элчихонаси вакилининг маълум қилишича, Хитой томони сўнгги пайтларда Югославияда юз бераётган ўзгаришлар туфайли Оврупо Иттифоқи делегацияси ташрифига рўйхушлик билдирмаяпти.

Ўтказилажак саммитда ХХРнинг Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиши масаласи муҳокама қилиниши кўзда тутилган эди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ)

ЮРАГИМДА УНГАН ГУЛИМСАН, ВАТАН

ДУНЁДА шундайин бир бахт, неъмат борки, бу қалбимиздаги шодликни, орзу-армонларни хоҳлаган пайтда изҳор қила олишдир. Бу бахт, лўндагина қилиб айтсак, куйламоқ бахтидир. Қўшиқларнинг энг жозибадори, энг улуғи она-Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг Тошкент вилояти якуний босқичида янграган дилбар оҳангларни тинглаб, қалбимиздан ана шундай фикрлар кечди.

Ватан ҳақида куйлаш шараф, айни пайтда, масъулият ҳамдир. Не бахтки, истиқлолимизга эришган онлардан бошлаб, ҳар йили мунтазам ўтказилиб келинаётган кўрик-танловда янги-янги номлар кашф этилмоқда. Бетакрор наволар яратилмоқда. Анвар Ғаниев, Тошпўлат Маткаримов, Санобар Саттарова каби номи нафақат вилоятимиз, балки, кўпчилик санъат шинавандалари тилига тушган хушовоз хонандалар айнан мана шу кўрик-танловда илк бор қатнашган эдилар.

Куни кеча муҳташам «Туркистон» саройида якунланган вилоят кўрик-танловида ҳам ёш санъаткорлар иштирок этишди. Хор жамоаси, якка-хонлар, ижодий гуруҳларнинг ҳар бир чиқишларига зални тўлдириб ўтирган ихлосмандлар қарсаклар билан қувончларини изҳор этдилар. Ушбу қўшиқ байрамининг яна бир ўзига хослиги — унинг оммавийлигидадир. Таъбир жоиз бўлса, етти ёшдан етмиш ёшгача ижрочилар айтган қўшиқларда энг эзгу туйғу — Ватанга муҳаббат туйғуси маъволаниб турди.

Оққўрғонлик беш ёшли Маҳлиё Сарибоева ижро этган «Ўзбекистон — нурли бўстон» қўшиғи худди зилол ирмоқчанинг катта дарёга келиб қўшилишига ўхшаб кетди. Унинг мусаффолиги, жўшқин, ўйноқилиги ҳар бир юракка чўғ солди. Бекободлик Муҳаббат Саидова билан Назира Бўрибоева ижросидаги «Ўзбегим» катта ашуласи халқимизнинг истеъдод уфқлари нақадар кенглигидан дарак берди. Суюкли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг машҳур шеъри икки ҳаваскор гўзал ижросида ўзининг янги қирраларини очди назаримизда. Қибрайлик Миркомиловлар оилавий дастаси «Ватан муқаддас», паркентлик Элмурод Йўлдошев айтган «Райҳонларнинг булоғи Ватан», олмалиқлик Дилноза Исмияминова ёниб куйлаган «Ёшлик вальси», янгийўллик Мунаввара Абдуллажонова, Ваҳобжон Охунов, Баҳодир Рихсибоев ижросидаги «Гўзал Тошкент диёрим», «Ватан ишқи», бекободлик Адҳам Ашуров янгратган «Муқаддас Ватан», чинозлик Баҳодир Тўйчиевнинг «Ҳурлик қуёши», чирчиқлик Шокир Турғуновнинг «Қалдирғоч» қўшиқлари ихлосмандларни бефарқ қолдирмади.

Ўзбекистон қўшиқ байрами

Вилоятимизда 110 миллат вакиллари аҳил, иноқ яшамоқдалар. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистонни она юртим деб улуғлайди. Юқоричирчиқ туманидаги маданият уйи қошидаги корейс халқ хори танловга тақдим этган «Бейузан», Ангрендаги «Суғдиёна» дастасининг раҳбари Содиржон Одилов айтган «Ширу-шакар» ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Шу куни бўкалик Ойбек Нишонов, қибрайлик Беҳзод Юсупов, зангиоталик Ўғилой Марҳимова, Тошкент туманилик Наргиза Исаева, Бўстонликдан Зафар Қўчқоровнинг ширали овозларини тинглаб, вилоятимиз истеъдодлар чаманига яна бир бор амин бўлдик.

Таниқли бастакорлар Энмарк Солиҳов, Баҳрулла Лутфуллаев, Аваз Мансуров, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, қўшиқчи шоир Нормурод Нарзуллаев каби устозлардан иборат ҳайъат эътиборига ҳавола этилган қирққа яқин қўшиқлардан энг яхшилари танлаб олинди, ғолиблар белгиланди.

Ангрен шаҳридаги Дукент маданият саройининг хор жамоаси ижро этган «Ўзбекистон» қўшиғи ғолиб деб топилди ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Энди ушбу жамоа кўрик танловнинг Республика якуний босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади. Паркентлик Элмурод Йўлдошев, олмалиқлик Дилноза Исмияминова, вилоят педагогика билим юрти хор жамоаси иккинчи даражали дипломга сазовор бўлишди. Юқоричирчиқнинг корейс халқ хори, Оққўрғоннинг «Камалак» хор жамоаси, янгийўллик М. Абдуллажонова, В. Охунов, Б. Риҳсибоевлар учинчи даражали диплом билан тақдирландилар. Кўрик-танловнинг энг ёш қатнашчиси Маҳлиё Сарибоева эса рағбатлантирувчи мукофотга муносиб кўрилди. Ғолибларга дипломларни ҳайъат раиси, вилоят ҳокими ўринбосари А. Раҳимбердиев топширди.

Кўрик-танлов ҳайъати аъзоси шоир Нормурод Нарзуллаев таъкидлаганидек: «Кўриниб турибдики йилдан-йилга қўшиқ байрамимиз оммалашиб бормоқда. Халқимизга Ватан ҳақидаги янги-янги тароналар тақдим этилди. Айни пайтда ёш ижодкорларимиз Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қўшиқчилик кенгаши, Бастакорлар уюшмаси билан яқин алоқада бўлса, ҳамкорликда ишласа, натижа бундан ҳам аъло бўлиши мумкин эди».

Ватан — юрагимизда унган гулимиздир. Бу гулнинг мадҳи бир умрга татигуликдир. Чунки, инсон бор экан, унда Ватан туйғуси устивор бўлиб яшайди. Бу йилги ғолибларни қутлар эканмиз, келгусида яратилажак нурли қўшиқлардан умидвор бўлиб қоламиз.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Сидней 2000

ҒАЛАБАНИ КУТГАН ЭДИЛАР, АФСУСКИ...

2000 йилда Сиднейда ўтказиладиган Олимпиа ўйинларида иштирок этиш учун Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бешинчи гуруҳда навбатдаги учрашувни ўтказди. Бу сафар улар қозоғистонлик футболчиларни қабул қилдилар.

«Пахтакор» ўйингоҳига йиғилган мухлислар чиройли ўйин кутган эдилар. Лекин футболчилар уларнинг ишончини оқлай олмадилар. Ўйин бошиданоқ меҳмонлар фаол ҳаракат қилиб, бироз ташаббусга эришдилар ва бир неча бор бурчакдан тўп тепиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Евгений Сафонов қўриқлаётган дарвоза олдида ҳавфли ҳолатлар яратдилар. Биринчи бўлимда икки жамоа ҳам ҳар қанча уринсаларда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Иккинчи бўлимда меҳмонлар ҳужумга зўр бердилар ва учрашувнинг эллик биринчи дақиқасида меҳмонлар ҳужумчиси Самад Симаков ҳимоячиларимиз хатосидан унумли фойдаланиб, тўпни дарвозага аниқ йўллади ва ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг майдон эгалари ҳам қарши ҳужумни кучайтирдилар. Яратилган имкониятлардан бирида Рашид Ғофуров рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди, лекин дарвозабон Давид Лория уни ушлаб қолди. Сўнгра Максим Шацких тепган жарима тўпи дарбоза устидан ўтиб кетди. Владимир Шишелов ҳам бир маротаба хавфли ҳолат яратди холос. Меҳмонлар ҳужумчиси Дмитрий Галич эса етмиш иккинчи дақиқада Евгений Сафонов дарвозасига иккинчи тўпни киритиб ҳисобни 2:0га ўзгартирди ва ўйин тақдирини ҳал қилди. Олимпиачиларимиз ўз майдонларида кутилмаганда мағлубиятга учрадилар. Навбатдаги учрашувни улар 29 майда Қозоғистонда майдон эгалари билан ўтказадилар. Бешинчи гуруҳдаги иккинчи учрашувда Туркманистон жамоаси ўз майдонида Қирғизистон жамоасини қабул қилиб 3:0 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритиб, ўз очколари сонини 7тага етказиб олдилар. Ҳозирги кунда бешинчи гуруҳдаги уч жамоа 7тадан очкога эга.

19 майгача бўлган вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Қозоғистон	3	2	1	0	6-1	7
2. Ўзбекистон	4	2	1	1	7-3	7
3. Туркманистон	4	2	1	1	7-6	7
4. Тожикистон	4	0	2	2	2-6	2
5. Қирғизистон	3	0	1	2	1-7	1

Талъат ЮСУПОВ.



ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР – БИРИНЧИ

ТОШКЕНТ вилояти қишлоқ хўжалиги ва агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан аёллар йилига бағишлаб ўтказилаётган вилоят аёллари спартакиадаси биринчилиги Оққўрғонда уюштирилди.

Туман ҳокимлиги, спорт қўмитаси, туман қишлоқ хўжалиги ва агросаноат ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси ҳомийлиги ва кўмагида сўлим «Акмал» ўйингоҳида ўтказилган бу мусобақада вилоятимизнинг турли туманларидан келган 60дан зиёд аёллар спортнинг енгил атлетика, теннис, волейбол, шашка ва бошқа турлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Қизғин ўтган беллашув натижасида 1-ўрин майдон эгаларига насиб этди. Оққўрғонлик К. Ҳамдамова, Н. Тамабоева, Ж. Анорбоева, М. Ахманбетовалар маҳоратли спортчи эканликларини намойиш этишди. 2-ўринни юқоричирчиқликлар эгалладилар. Пскент тумани аёллари эса шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилдилар.

Мусобақа сўнггида ғолибларни шарафлаш маросими бўлди. Унда спортчи аёлларимизга ҳомийлар таъсис этган қимматбаҳо эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар берилди. Ғолиб чиққан оққўрғонликлар спартакиаданинг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя этадилар.

Алишер НАЗАРОВ, «Камолот» жамғармаси Оққўрғон туман бўлими раиси.

ИБРАТНОМА

СОТИБ ОЛИНГАН ШИКОЯТ

АББОС ибн Абдул-Мутталиб ривоят қиладилар:

Тим қоронғу кечада амирул мўминин Умар ибн Хаттобнинг (розиаллоҳу анҳу) уйларига бориш мақсадида йўлга чиқдим. Йўлда кетаётиб, кўзим бир аъробий кишига тушди. У кийимимдан тортиб, «Юр мен билан, эй, Аббос!» — деди. Дикқат билан аъробийга қарасам, у амирул мўминин экан. Биров билиб қолмаслиги учун у қиёфасини ўзгартириб олганлигини англадим. Яқинлашиб, унга салом бердим. «Қаерга бораяпсиз, эй амирул мўминин?» дедим. У: «Бу зулматли тунда араб маҳаллаларини айланиб чиқмоқчиман», деди. Кеча салқин эди. Мен унга эргашиб орқасидан юрдим. У арабларнинг чодирлари ва уйларига диққат қилиб, айланиб юра бошлади. Ҳатто, ҳаммасини кўздан кечириб, энди қайтиб кетмоқчи эдик ҳамки, тўсатдан бир чодирга назаримиз тушиб қолди. Унда бир кампир бўлиб, атрофида болалари чирқиллаб йиғлашарди. Уларнинг олдидаги ўчоқ устида бир қозон бўлиб, унга олов ёқилган эди. У: «Хозир, озгина қолди, сабр қилинглар, болаларим, овқат ҳам пишиб қолади, ейсизлар», дер эди.

Ҳазрат Умар диққат билан гоҳ кампирга, гоҳ болаларга қарар эди. Туришимиз ҳам анча чўзилиб кетди. «Эй, мўминларнинг Амири! Сизга нима бўлди? Юринг, кетамиз», — дедим.

Ҳазрат Умар: «Оллоҳ номи билан онт ичиб айтаманки, токи кампир болаларига овқатни сузиб, улар еб тўйганларини кўрмагунимча, бу ердан ҳеч қаерга кетмайман», — дедилар. Биз туриб қолдик. Болалар қичқириб йиғлашар, кампир эса: «Ҳозир, озгина қолди, сабр қилинглар, болаларим. Овқат ҳам пишиб қолди, ейсизлар», — деган сўзларини такрорлар эди. Ҳазрат Умар менга, юр кириб ундан сўрайлик, дедилар. У чодирга кирди. Кетидан мен ҳам кирдим. Ҳазрат Умар: «Ассалому алайкум, эй хола!» — дедилар. Кампир: «Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳ», — деб гўзал жавоб қайтарди. Ҳазрат Умар: «Бу болаларга нима бўлди, нега қичқириб йиғлашяпти?» — дедилар. Кампир: «Очликдан», — деб жавоб берди. «Нима учун қозондаги овқатдан бермаяпсан?» — дедилар ҳазрати Умар. Кампир: «Қозонда нима борки, мен уни берсам. Бу ишим «овутишдан» бошқа нарса эмас. Йиғи кўнгилларига тегиб, охири ухлаб қолишлари учун қилаяпман. Уларни овқатлантириш учун менда ҳеч нарса йўқ», — деди. Ҳазрат Умар қозонга яқин бориб қарасалар, қозон ичида майда тошлар сувда қайнар эди. Ҳазрат Умар: «Нима учун сен бундай ҳолатга тушиб қолдинг?» — деб сўрадилар. У: «Мен касилганман. Ҳеч кимим йўқ. На акам, на отам, на элим ва ҳаттоки, яқинларим ҳам». «Нима учун сен амирул мўминин Умар ибн Хаттобга ҳолингни арз қилмайсан? Байтул молдан бир нарса берарди?!» — дедилар ҳазрат. Кампир: «Худо ҳаққи Умар менга зулм қилди», — деди. Ҳазрат Умар кампирнинг сўзини эшитиб, дахшатга тушдилар. «Эй хола, Умар нима қилиб сенга зулм қилди?» — дедилар. У: «Ҳа, Худо ҳақи у бизга зулм қилди. Чунки, бошлиқ қўл остида бўлган ҳар бир одамнинг ҳолидан хабардор бўлиб туриши керак. Уларнинг орасида менга ўхшаганлар топилар, қўли калта, бола чақаси кўп, ёрдамчиси йўқ одамнинг лозим бўлган ишларини бошқариб, байтул молдан унга ва бола-чақаси ейдиган нарса бераркан», — деди. Ҳазрат Умар унга: «Умар сенинг ҳолингни қаердан билсин? Сен унга бориб ҳол-аҳволингни билдириб қўйишинг керак эди», — дедилар. Кампир: «Йўқ, Худо ҳақи чин ишончли бошлиқ қарамоғидаги одамларнинг ҳожатларини умуман ва хусусан текшириб, хабар олиб туриши лозим. Эҳтимол камбағал одамнинг ҳаёси устун келиб, бошлиқнинг олдига боришдан қайтарса-чи?!» — деди. Шунда Ҳазрат Умар унга: «Тўғри гапирдингиз, эй хола!» — дедилар. — «Лекин, болаларни тинчлантириб туринг мен бирор соатда келаман». Сўнгра мен билан бирга чиқиб кетдилар. Ҳазрат Умар хазинани бориб очдилар ва кирдилар, бирга мени ҳам киришга буюрдилар. 20 ратл, яъни 9 кило чамаси унни қопга солдилар. «Эй, Аббос! Елкамга олиб юбор!» — дедилар. Мен киши айтгандек қилдим. Сўнгра менга мана бу ёғ кўзани кўтар, деб ўша ердаги кўзага ишора қилдилар. Биз чиқдик. Эшикни беркитдилар ва биз иккимиз кетдик.

Қопдан Ҳазрат Умарнинг соқол, кўз ва пешоналарига ун тўкилди. Яна юриб кетдик. Йўл ўртасига етганимизда масофа узоқлигидан кўтарган юклари Ҳазрат Умарни чарчатиб қўйган эди. Мен уларга: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй, амирул мўминин! Қопни менга беринг. «Мен кўтарай», — дедим. У: «Йўқ, Худо ҳақи, сен қиёмат куни менинг жиноятим ва зулмимни кўтара олмайсан. Билгинки, эй Аббос, темир тоғлар ва уларнинг оғирлигини кўтариш катта ёки кичик бўлган жиноятни кўтаришдан яхшироқдир. Тезроқ юракол, эй, Аббос, болалар кампир айтганидек йиғи кўнгилларига тегиб, ухлаб қолишларидан олдин бораколайлик». Улар тезлашдилар, мен ҳам тез-тез юрдим. Кампирнинг чодирига етиб боргунимизча ҳарсиллаб қолдик. Қопни елкадан туширдилар. Мен ҳам кўзадаги ёғни унинг олдига қўйдим. Ўзи қозон олдига бориб, ундаги нарсани тўкиб ташладилар, сўнгра унга ёғни, кетидан унни солдилар. Кейин қарасалар, олов ўчай деб қолган экан. Кампирга «ўтин борми?» — дедилар. У: «Ҳа, ўғлим бор», деб ўтинга ишора қилди. Ўринларидан туриб, ундан бироз олиб келдилар. Ўтин эса ҳўл эди. Уни оловга ташладилар. Қозонни ўчоққа ўрнаштирдилар. Бошларини ерга энгаштириб, қозон остига оғизлари билан пуфлай бошладилар. Олов гуриллаб, кетгунича шу зайлда давом этдилар. Ёғ эриб, қизий бошлади. Бир қўллари билан қозондаги ёғни капгир билан айлантириб, иккинчи қўллари билан унни ёққа аралаштириб турдилар. Таом пишганда кампирдан идиш сўрадилар. У идиш олиб келди. Овқатни идишга сузадилар. Уни пуфлаб, совитиб кичкинтойларни оғзига тутдилар. Уларнинг қорнилари тўйиб, кифоя қилгунларича, бирма-бир шундай қилиб турдилар. Сўнг болалар ўринларидан туриб, бир-бирлари билан ўйнадилар, кулдилар, сўнгра уйқулари келиб, ухлаб қолдилар. Бу ишларни кузатиб турган аёл Ҳазрат Умарга қараб: «Эй болам, сен Умарнинг ўрнига лойиқ экансан», — деди. Шунда Ҳазрат Умар кампирга қараб: «Эй хола, мен амирул мўмининнинг яқинлариданман. Ҳолингизни унга эслатиб қўяман. Эртага эрталаб амирликка боринг. Мени ўша ердан топасиз. Яхшиликни умид қилаверинг», — дедилар. Сўнг Ҳазрат Умар у билан хайрлашиб чиқдилар, мен ҳам бирга чиқдим. «Эй, Аббос! Худо ҳаққи, мен кампир болаларини майда тошлар билан тинчлантираётганини кўрган вақтимда, гўёки тоғлар силкиниб елкамга ағдарилгандек бўлди. Келтирган нарсаларимдан овқат қилиб, пиширибболаларнинг қорни тўйиб, ўйнаб кула бошлаганларидан кейин ўша тоғлар елкамдан тушганлигини сездим», — дедилар. Сўнгра Умар уйларига келдилар, мени киришга буюрдилар.

Ўша кеча бирга тунадик.

Тонг отганда эрталаб кампир кириб келди. Ҳазрат Умарни кўриб, дахшатга тушиб, қалтираб кетди. «Қўрқманг, она, мен сизни таклиф қилганимдан мақсад, кеча сиз мендан Оллоҳга шикоят қилган эдингиз. Шу шикоятингизни неча пулга сотасиз?» дедилар Ҳазрат Умар. Кампир жим турарди. «Эй, Аббос, сиз гувоҳсиз, шикоятни чўнтагимдаги пулимдан 500 диноргa сотиб олдим», дедилар. Пулни кампирга бердилар. Кампирдан узр сўраб, унга ва болаларига байтул молдан ҳар ойга етарли маош тайинладилар.

Арабчадан А. ҲИКМАТОВ таржимаси.

Санъат гунчалари

БУХОРОДАН ҒОЛИБ БЎЛИБ ҚАЙТИШДИ

ВИЛОЯТИМИЗ ёшлари бошқа соҳалар қатори билим ва санъатда ҳам республикадаги энг иқтидорли ва умидли ёшлар қаторида юртимиз шаънини муваффақиятли ҳимоя қилаётгани қувончлидир. Яқинда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг анъанавий ижрочилик бўйича республика кўрик-танлови ана шу фикрни яна бир бор тасдиқлади.

Бу галги танловда ёш ижрочи ва созандалар ҳатто мураккаб асарларга ҳам қўл урганликлари, уларнинг бу борадаги маҳоратлари тобора ўсиб бораётганидан далолатдир. Аммо вилоятимиз вакиллари бўлган бир гуруҳ ижрочи болалар бошқа тенгдошларидан кам маҳоратга эга эмасликларини амалда намойиш эта олдилар. Қибрай туманидаги 2-санъат мактаби ўқувчиси Малоҳат Набиева дутордa куй ижро этиш ва анъанавий қўшиқ бўйича 1-ўринларга сазовор бўлди. Эндигина 4-синфда ўқиётган, аммо республика танловида бир йўла иккита 1-ўринни қўлга киритган бу қизчага иккита биринчи даражали диплом ва иккита магнитофон тақдим этилди. Чирчиқлик Соҳиб Орифжонов эса най бўйича республикада энг иқтидорли бола деб топилди ва биринчи даражали диплом ва магнитофон билан тақдирланди. Фахрли иккинчи ўринни чирчиқлик Элдор Азмиев, олмалиқлик Янис Гусак, ўртачирчиқлик Саидқосим Шарофиддиновлар эгалладилар. Ангренлик Мискин Дадаев, чирчиқлик Янис Костандопулос, Евгений Мамонов, Евника Тевс, Дилафрўз Алметовалар 3-ўринга лойиқ деб топилдилар.

Мазкур кўрик-танловда иштирок этган болаларнинг барчаси 4-6-синф ўқувчиларидир. Бундай жажки санъаткорлар ёшларнинг маънавий ҳаётида ўзига хос из қолдираётган ва халқимиз ишончи билан қараётган келажак меваларидир.

Зарифа АШУРОВА.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ қуйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш қолган давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:

1. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозимлари учун –

Чирчиқ шаҳрида 2та ўрин учун
Ангрен шаҳрида 1та ўрин учун
Оҳангарон туманида 1та ўрин учун
Чиноз туманида 1та ўрин учун
Қибрай туманида 2та ўрин учун ҳамда
Тошкент вилоят нотариал идорасида 1та ўрин учун.

2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимлари учун –

Оҳангарон шаҳрида 1та ўрин учун
Чирчиқ шаҳрида 1та ўрин учун
Янгийўл шаҳрида 1та ўрин учун
Қибрай туманида 1та ўрин учун
Янгийўл туманида 1та ўрин учун
Паркент туманида 1та ўрин учун.



Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 45 кун.

ХОХ ИШОНТИ, ХОХ ИШОНМАНГ

ХОТИРЖАМ БЎЛИНГ

Жеймс Вудс режиссёр Жон Карпентернинг «Вампирлар» картинасида суратга тушаётган эди.

Сценарий бўйича у ташқарига чиқиши билан меҳмонхона портлаб кетиши керак эди. «Вой-бў, — ўйлади Вудс, — жуда дахшат-ку». Кейин Карпентердан:

— Мабодо меҳмонхонадан чиққунимча портлаб кетса нима бўлади? — деб сўради машҳур актёр.

— Унда фильмимизнинг давоми бўлмайди, — уни тинчлантирди режиссёр.

Ё УНИСИ, Ё БУНИСИ

Инсон зоти жуда ғалати-да. Биров ўлмай туриб ўзига қабр тайёрлаб қўяди. Ҳатто тириклигида йигирма, йил ошини ҳам берадиганлар топилади.

Машҳури жаҳон хонанда Шер эса ўлгандан кейин Париждаги Пьер-Лашез қабристонида мангу ором топишни ўйлаб қолди. Бу ерда Оскар Уайльд, Мария Каллас, Жим Маррисон каби буюк санъаткорлар ётибди. Лекин Шернинг умидлари пучга чиқадиганга ўхшайди. Ҳаммасига қабристон гўрковининг жавоби сабаб.

— Сизни Пер-Лашезга дафн этолмаймиз, — дебди у. — Бунинг учун ё Парижда яшашингиз ёки Парижда ўлишингиз керак. Биз бу қоидани президент бўлган тақдирингизда ҳам бузмаймиз.

Шерхон, ҳамдардмиз, жонгинам!

ҲАММАНИ ЭМАКЛАТДИ

Жейн Сеймур деганда кўплар «Доктор Куин» фильмини эмас, балки тантиқ ноанинни эслаб, ғазабланадиган бўлиб қолишди.

Лос-Анжелесдаги ресторанда кечқурун тамадди қилиб ўтириб, қимматбаҳо узуги йўқолганини пайқаб қолди. Унинг талаби билан чақирилган ресторан эгаси ҳамма официантларни, стол атрофида ўтирган хўрандаларни тиззалаб юриб, узукни қидиришга мажбур этди.

— Йўқ, — деди Сеймур, — булар узукни топса ҳам беркитиб, қўйиши мумкин.

Миршаблар чақирилди, ҳамма текширилди. Ҳаммаёқ алғов-далғов бўлди. Узук, ниҳоят, топилди. У Жейн Сеймур таом еган ликопчада ювиш хонасига кириб кетган экан.

— Ўзинг бўлсанг ҳам жонон, одатинг экан ёмон, — дейишди унга.

МЕН ҲАМ ЎҚИМАЙМАН

Даниялик машҳур психолог Нильс Лифсен ўз мижозларини қайғудан озод этишнинг йўлини топди.

Улар ўзларини қийнаётган муаммоларни хатда ёзиб юбора бошладилар. Мижозлар анча енгил тортиб қолишди. Бундай усулга қарши бўлган бошқа психолог Лифсенни муғомбирликда айблади. Кейин ўзи қилган ишига пушаймон бўлиб, Лифсенга хат ёзиб, ундан кечирим сўради, топган усули тўғри эканлигини айтди. Ҳамма гапини қоғозга тушириб, енгил тортган рақиб Лифсендан анча овора қилгани сабаб, узр сўради.

— Ҳеч ҳам хижолат бўлманг, — деди Лифсен, — мен бу хатларни сира ҳам ўқимайман.

Темур ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

Юнусобод туман ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган хусусий тадбиркор «ЙЎЛДАШОВ КАМОЛ ҲАМДАМОВИЧ»нинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 20-23 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво кам булутли бўлади. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳаво ҳарорати кечалари 15-20 даража илиқ, кундуз кунлари 31-36 даража иссиқ бўлиши мумкин. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб, об-ҳаво ўзгаради. Момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Шамол кучайиб, унинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади. Ҳафта охирида ҳарорат аста-секин пасая боради. Кечалари 11-16, кундуз кунлари эса 22-27 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0356. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 21. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6